Илм ўзни билмакдир

Ма'рифат

МА'RIFAT • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ • معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган 1996 йил 26 октябрь, шанба Баҳоси сотувда эркин нархда. № 81 (6778)

Даъват

Ўзбекистоннинг бугунги озодлигини мустаҳкамлаш даврида Амир Темур биз учун буюк давлат асосчиси сифатида қадрлидир!

Ислом КАРИМОВ

Ибрат

Соҳибқирон бобомизнинг қутлуғ туйлари шарафига ХДП Қўқон шаҳар кенгаши шаҳар мактабларининг энг аълочи ўқувчилари учун «Амир Темур стипендияси»ни таъсис этди. 500 сумлик бу стипендия келгуси ойдан бошлаб шаҳардаги ҳар бир аълочи ўқувчига берила бошланади.

ХАЛҚИМИЗ ДАҲОСИНИНГ ТИМСОЛИ

24 октябрь куни Тошкентдаги муҳташам «Туркистон» саройида «Амир Темур ва унинг жаҳон тарихида тутган ўрни» мавзуидаги халқаро илмий конференция ўз ишини бошлади



Бу илмий анжуман соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллик юбилейи муносабати билан ЮНЕСКОнинг Париждаги қароргоҳида ўтказилган тантаналарнинг мантиқий давомидир. Соҳибқирон юртида ўтказилаётган бу халқаро илмий анжуманга ҳам шу обрўли халқаро ташкилот шафеълик қилмоқда.

Конференция иштирокчилари анжуман бошланиши арафасида пойтахтимизнинг Амир Темур хиёбонидаги соҳибқирон ҳайкали пойига гуллар қўйиб, буюк даҳога эҳтиром билдирдилар. Улар Темурийлар тарихи Давлат музейига ҳам ташриф буюриб, ундаги қимматли экспонатлар билан танишдилар.

Маълумки, буюк Амир Темур нафақат Марказий Осиё, балки жаҳон тарихида ҳам ўчмас из қолдирган давлат арбоби, саркарда ва илм-фан ҳомийсидир. Шу боис улуғ бобокалонимиз номини қоралашга уринган шўро замонида ҳам жаҳонда унинг шахсига ва фаолиятига катта қизиқиш ҳеч қачон сўнгани йўқ. Ўзбекистон мустақил бўлиб, Темур авлодлари буюк соҳибқироннинг муборак номини, у ҳақдаги тарихий адолатни тиклашга киришган бир пайтда ўтаётган мазкур конференцияда дунёнинг 25 мамлакатидан йирик олимлар, тадқиқотчилар, жамоат арбоблари иштирок этаётгани бу қизиқишнинг тобора кучайиб бораётганидан дарак беради.

Ўзбекистон Фанлар академияси президенти Т. Жўраев халқаро илмий анжуманни очди. Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилди. Юртбошимиз анжуман иштирокчиларини Амир Темур таваллудининг 660 йиллик юбилейи байрами билан қутлади. Амир Темур даҳоси, унинг тарих саҳнасига чиқиш сабаблари, буюк бунёдкорлик фаолияти, бугунги кунда соҳибқирон шахсига нисбатан тарихий адолатни тиклашнинг моҳияти ҳақида маъруза қилди. (Президент Ислом Каримовнинг конференциядаги маърузаси матни матбуотда эълон қилинмоқда).

ЮНЕСКОнинг Осиё-Тинч уммони мамлакатлари бўйича директори С. Окажима конференция иштирокчиларига ЮНЕСКО Бош директори Федерико Майорнинг табригини ўқиб эшиттирди ҳамда буюк соҳибқирон ва Темурийларнинг тарихий хизматлари ҳақида сўзлади.

Марказий Осиё халқлари маданияти ассамблеяси президенти, атоқли ёзувчи Чингиз Айтматов ўз сўзида Амир Темурнинг давлат арбоби, саркарда, туркий халқлар маънавияти ривожида муҳим ўрин тутгани ҳақида фикр юритди, улуғ соҳибқирон умумтуркий ватанпарварлик намунаси эканини алоҳида таъкидлади. Боболар номини улуғлаш, улар меросини ўрганишда жонбозлик қилаётган ўзбек халқига ташаккурини изҳор этди.

Франциялик Люсьен Керен, америкалик Ричард Нельсон, мисрлик Насрулло Мубошир Тарозий, германиялик Клаус Пендер ва бошқа йирик тадқиқотчи-олимлар Амир Темурнинг Европа давлатлари билан дипломатия алоқалари, унинг ҳарбий стратег сифатидаги иқтидори, Коҳира кутубхоналарида сақланаётган нодир қўлёзмалар, Темурнинг оламшумул мероси каби мавзуларда маъруза қилдилар.

Куннинг иккинчи ярмида конференция ўз ишини беш шўъбага бўлинган ҳолда давом эттирди.

Конференция иштирокчилари «Амир Темур ўрта асрнинг йирик ислоҳотчиси, давлат арбоби, лашкарбошиси», «Амир Темур ва Темурийлар даврида ижтимоий-иқтисодий ҳаёт», «Амир Темур — фан, маданият ва таълимот ҳомийси», «Амир Темур ва Темурийлар давлатининг халқаро алоқалари», «Амир Темур ва Темурийлар даври тарихнавислиги» каби мавзуларда маърузалар тингладилар.

Кечга яқин халқаро илмий конференция иштирокчилари яна «Туркистон» саройида ялпи мажлисга йиғилдилар.

Шўъба раислари йиғилганларга Амир Темурнинг жаҳон тарихида тутган ўрни ҳақида билдирилган мулоҳаза ва фикрлар ҳақида ахборот бердилар.

Сўнгра тингланган маърузалар юзасидан баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди. Шу билан «Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни» мавзуидаги халқаро илмий конференция ўз ишини якунлади.

Конференция ишида Ўзбекистон Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, Бош вазир Ў. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, Амир Темур юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика ташкилий қўмитаси раиси И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Олий Мажлис Раиси ўринбосарлари, Бош вазир ўринбосарлари, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов иштирок этди.

Анжуманда БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Холид Малик ва хорижий давлатлар, шунингдек, халқаро ташкилотларнинг мамлакатимиздаги ваколатхоналари раҳбарлари ҳозир бўлди.

Конференция иштирокчилари 25 октябрь куни соҳибқирон салтанатининг пойтахти бўлган қадимий Самарқандга ташриф буюриб, юбилей тантаналарида иштирок этдилар.

(ЎзА).

СУРАТЛАРДА: конференция пайти.

С. МАҲКАМОВ олган суратлар.

КАШФИЁТГА ЙЎЛ БЕРДИ

Амир Темур турли фан, кашфиётга йўл берди,
Адолатли бўлмоқчун пирларига қўл берди.

Кўпайтирди боғларни, экин бўлди серҳосил,
Қўй суруви баҳорда баракали тўл берди.

Ҳақиқатни ёқлади, меҳр қўйди элига,
Боғи йўққа мевани гоҳ қуруқ, гоҳ ҳўл берди.

Ёмонларга жазони қаттиқ қилди ниҳоят,
Яхшиларга қимматли совға берди, гул берди.

Ҳамма томон яшнади яхши тартиб туфайли,
Ривож топиб ҳар соҳа, даромадни мўл берди.

Тўра ЖУМАН.

ЖУМЛАДА ЖАҲОН

❀ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 23 октябрь куни Марказий Осиё халқлари маданияти ассамблеяси президенти, атоқли ёзувчи Чингиз Айтматовни қабул қилди.

❀ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 24 октябрь куни Жанубий Кореянинг «Кабул груп» компанияси бошқаруви раиси Парк Чанг Хо бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

❀ «Республикада нақд хорижий валюта муомаласини тартибга солиш чоралари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони чиқди.

❀ Афғонистондаги ўзаро жангларда аҳвол деярли ўзгаргани йўқ. Толибон кучлари БМТ вакилининг таъкидлашича, муросага келишишни ёқлашмаяпти. Сўнгги хабарлардан маълум бўлишича, генерал Абдурашид Дўстум Афғонистон Олий мудофаа кенгашининг бошлиғи этиб сайланган.

❀ Франция президенти Жак Ширак Фаластин давлатини тан олишга даъват этиб, Исроилдан жўнаб кетгандан бир неча соатдан сўнг Исроил маъмурлари қўпорувчилик ҳаракатлари бошланиб кетишидан хавфсираб Иордан дарёсининг ғарбий соҳили ва Fазо секторининг чегарасини ёпиб қўйишди.

❀ АҚШ Президенти Билл Клинтон ҳарбий жиноятчиликка оид маълумотларни оммалаштириш тўғрисидаги қонунга имзо чеккан. Оқ уй вакилининг айтишича, энди бу қонунга биноан АҚШ ҳукумати ихтиёридаги иккинчи жаҳон уруши чоғида фашизм содир этган жиноятларга оид маълумотлар тўлиқ ошкор қилинади.

АМИР ТЕМУР — ФАХРИМИЗ, ҒУРУРИМИЗ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУДИНИНГ 660 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ХАЛҚАРО ИЛМИЙ КОНФЕРЕНЦИЯДАГИ МАЪРУЗАСИ

Хонимлар ва жаноблар!

Конференциянинг муҳтарам иштирокчилари!

Азиз дўстлар!

Барчангизни ўзбек заминида қутлашга ва Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган тантаналаридаги иштирокингиз учун миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсизлар.

Халқимиз номидан Темур ва Темурийлар даврига юксак эҳтиром кўрсатаётган барча давлат ва жамоат арбобларига, олимларга, санъат ва маданият намояндаларига, хориждаги юртдошларимизга самимий миннатдорчилик билдирамиз.

Қадрли конференция қатнашчилари!

Мен бугун Амир Темур даври ва бу буюк тарихий шахс маънавий меросининг ҳозирги замондаги аҳамияти хусусида баъзи фикрларимни сизларнинг эътиборингизга ҳавола қилмоқчиман.

Авваламбор шуни таъкидлашимиз керакки, Амир Темурдек тарихий шахсларни, саркарда ва соҳибқиронларни тарих тақозоси, шу замон талаблари, керак бўлса, замон эҳтиёжи ҳаётга олиб келади ва ул зотларнинг фазилат — хусусиятларини намоён қилишга замин яратади. Бундай қонуниятни кўплаб мисолларда тасдиқлаш мумкин. Шунинг учун ҳам Амир Темур шахси ва фаолияти ҳақида гапирар эканмиз, авваламбор шу даврдаги, шу асрдаги тарихий вазият ҳақида алоҳида тўхталиб ўтишимиз лозим.

Амир Темур сиёсий саҳнага қадам қўйганда эндигина 24 ёшга кирган эди. Мамлакатда бошбошдоқлик, маҳаллий сиёсий кучларнинг ўзаро қарама-қаршилиги авжига чиққанди. Бу ҳам камдек асосий қудрати тарихий Мўғулистонда мужассамлашган чингизийлар тез-тез Мовароуннаҳрга зуғум қилиб турардилар.

Бир ярим асрга яқин давом этган бу муддат қарамлик жафосини ҳар томонлама чекиб келган оддий фуқаролардан тортиб, кўпчилик йирик сиёсий арбоблару дин пешволаригача барча-барча учун ниҳоятда оғир давр бўлган. Жамият озодлик ва тараққиётга бўлган манфаатларини ўзида мужассам этган халоскорга, етакчига муштоқ эди.

Тақдир тақозоси билан Амир Темур ана шундай халоскор ва етакчи сифатида майдонга чиқди.

Иккинчи хулоса аслида биринчи фикрнинг мантиқий давомидир. Кимки Амир Темур қадимий Туркистон заминида тасодифан пайдо бўлган деса, хато қилади. Нега деганда ҳеч нарса тўсатдан пайдо бўлмайди. Ҳамма нарсанинг ўз қонунияти бор.

Ал-Хоразмий, Улуғбек, Беруний, Навоий, Бобур ва бошқа ўнлаб-юзлаб даҳоларимиз ҳам тўсатдан, яйдоқ бир жойда пайдо бўлгани йўқ. Улар мана шу заминда юзага келган муҳитнинг ҳосили сифатида пайдо бўлган. Маълумки, ҳосил пайдо бўлиши учун заминни озиқлантириш керак. Тупроқни ўғитлаб, парвариш қилиб, шундан сўнгтина дарахт экиш керак.

Яъни, мен бу билан демоқчиманки, бу замин — қадимий Турон ва Туркистон замини азалдан маънавий озиқланган, маданий қатламга эга бўлган. Ўзбек давлатчилигининг тарихий асослари қарор топганига Амир Темур замонасида икки минг йилдан ошган эди.

Яна таъкидлаб айтаман: юртимизга Амир Темур бош бўлган йилларда сиёсий, иқтисодий, маданий соҳаларда қўлга киритилган ютуқлар бўм-бўш, ҳувиллаган жойда юзага келмаган. Балки шу маконда қадимдан ривожланиб, шаклланиб келган тарихий-маданий анъаналар асосида қарор топган.

Янада аниқроқ айтсак, Амир Темур ўзбек халқининг кўп минг йиллик тарихий равнақида тасодифий шахс, умуман Темурийлар даврида юксалиш эса шунчаки бехосдан юз бериб қолган ҳодиса эмас! У бир неча минг йиллик тарихий тажриба, буюк анъана, том маънода шаклланган маданий-маънавий жараён маҳсулидир!

Учинчи мулоҳаза ҳам билдирилган биринчи ва иккинчи хулоса билан узлуксиз боғланган. Жаҳон маданий ва маънавий жамоатчилиги ўрта асрларда Амир Темур тузган давлат ва унинг бутун дунё эътиборини ўзига жалб қилган оламшумул фаолияти, умумбашарият хазинасига қўшган ҳиссаси билан танишар экан, уни ўстирган юртга ва мана шу ҳудудда ундан кўп аср олдин ўтган буюк алломаларнинг ижодий меъросини, уларнинг табаррук номларини ҳам яна бир бор кашф этиши ва кенг миқёсда ўрганишига замин ва шароит туғилди.

Шу маънода IX асрдаёқ европаликлар кейинчалик «Алгебра» деб атаган фанга асос солган буюк Ватандошимиз Ал-Хоразмийнинг;

Христофор Колумбдан қарийб беш аср олдин океан ортида қуруқлик, яъни кейинчалик Америка деб ном олган қитъа борлигини башорат қилиб, илмий асослаб берган қомусий билим соҳиби Абу Райҳон Берунийнинг;

«Тиб қонунлари» номли машҳур асарининг ўзиёқ лотин тилида 30 мартадан зиёд нашр этилиб, ўрта асрларда бутун дунё, шу жумладан Ев-

(Давоми 2-бетда)

ЧИМБОЙНИНГ ЯНГИ МАКТАБИ

Хушхабарнинг қаноти бор, дейишади, Чимбой туманидаги Усмон Юсупов номли ижара корхона ўз маблағи ҳисобига 35- мактаб учун 216 ўринли янги бино қуриб, фойдаланишга топшириши ана шу ҳудуддаги болаларни ва ота-оналарни беҳад хушнуд этди.

Янги илм масканининг очилиши муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда бир қатор мутасадди ташкилотларнинг раҳбарлари иштирок этишди. Йиғилиш сўнгида мактаб биносини бунёд этишда фаол қатнашган бир гуруҳ қурувчиларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

Ғ. ЁҚУБОВ.

ҲАРБИЙ ЛИЦЕЙДА ҚЎШАЛОҚ БАЙРАМ

Айни кунларда Соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллик туйи нишонланмоқда. Бу шодиёна биз — ўқитувчилар ва биз севиб ўқитаётган, тарбиялаётган Тошкент шаҳридаги ҳарбий лицей тарбияланувчилари учун қўшалоқ байрамдир. Чунки Амир Темур юбилейига «Тил байрами» қўшилиб ҳамоҳанглик, жўровозлик бахш этди.

Халқ таълими вазирлиги 2-бўлим бошлиғи Т. Муҳитдинов, Халқ таълими вазирлигининг етакчи мутахассиси Э. Каттабоев, республика Маънавият ва маърифат жамоатчилик маркази бош мутахассиси, педагогика фанлари номзоди Х. Тухтаев ва бошқалар байрамимизнинг азиз меҳмонлари бўлишди.

Меҳмонлар карнай-сурнай наволари билан кутиб олинди. Белгиланган муддатда лицей майдончасида оркестр садолари остида тарбияланувчиларимиз сафда юриш маҳоратларини кўрсатиб, байрамона безатилган катта йиғинлар хонасига кирдилар. Меҳмонларни гулдурос қарсаклар билан кутиб олдилар.

Кеча очиқ деб эълон қилингач, республикамиз Давлат Мадҳияси меҳмонлар ва мезбонлар жўрлигида ижро этилди. Лицей раҳбари ўринбосари И. Коник байрам билан йиғилганларни табриклади. Х. Тухтаев буюк Соҳибқирон бобомиз Амир Темур ҳақида, Мисрхон опа Хўжаева она тилимиз ва унинг аҳамияти ҳақидаги мароқли чиқишлари билан тингловчиларни хушнуд қилдилар. Сўнгра кечанинг тантанали ва бадиий қисми бўлиб ўтди. Бу кечада Узбекистоннинг таниқли санъаткорлари ва лицей тарбияланувчиларининг чиқишлари, қўшиқ, лапар, саҳна кўринишлари йиғилган меҳмонлар, лицей маъмурияти, ўқитувчи, зобитлар, тарбиячилар ва тарбияланувчилар ёдида узоқ сақланса керак.

Сурайё ЙЎЛДОШЕВА.

ХАБАРЛАРИ

ТАЪРИФИ ТИЛЛАРДА ДОСТОН

Шу кунларда бобомиз Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги кенг нишонланмоқда. Пойтахтимиздаги 274-мактабда ҳам «Таърифи тилларда достон Темур бобом» деб аталган анжуман ўтказилди. Унда ёзувчи Тоҳир Малик, шоиралар Муҳтарама Улуғова, Кавсар Турдиевалар иштирок этиб, Амир Темур ҳаётидан ибратли ривоятларни сўзлаб, ўқувчиларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар. Мактабнинг «Ёш актёрлар» тўгараги аъзолари Тоҳир Малик қаламига мансуб «Соҳибқирон Темур» номли янги асардан саҳна кўриниши ижро этишди.

RASSOM BILAN UCHRASHUV

Yaqinda Zangiota tumanidagi 40-urta maktabda sohibqiron portiretining muallifi, U'zbekiston xalq rassomi Malik Nabiev bilan uchrashuv kechasi bo'lib o'tdi. Kecha Amir Temur hayoti va faoliyatiga bag'ishlangan plakatlar, kitoblar kurgazmasi bilan ochildi. Rassom nazarida Sohibqiron qiyofasi mazmunan tasirchanligi tomoshabinlar etiborini tortdi.

Kecha sungida uquvchilar u'zlarining badiy chiqishlari bilan barcha ishtirokchilarni xushnud etishdi.

ОНА ТИЛИМ — ОЛТИН БЕШИГИМ

Самарқанд Давлат университетида ўтказилган «Ўзбек тилим — она тилим» номли адабий кеча давлат тилига бағишланди. Кечани университет ректори, академик Жўрақул Сатторов кириш сўзи билан очди.

«Давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг ҳаётга татбиқ этилишига бағишлаб университет талабалари томонидан намойиш этилган «Донолар бисотидан», «Ҳуқуқшунос ҳузурида», «Она-тилим— олтин бешигим» саҳналари кеча қатнашчиларида чуқур таассурот қолдирди.

Дастурдан ўрин олган Ҳамид Олимжон, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Нормурод Нарзуллаевларнинг жозибали шеърлари мавзуга мос бўлиб, томошабинлар юрагига етиб борди.

МУАЛЛИФЛАР: И. БЎРИБОЕВ, G. XALILOVA.

АМИР ТЕМУР — ФАХРИМИЗ, ҒУРУРИМИЗ

(Боши 1-бетда).

ропа тиббиёт институтларида қўлланма сифатида ўқитилган улуғ аждодимиз Ибн Сино каби кўплаб алломаларнинг номлари ва илмий ишлари билан дунё аҳли айнан Амир Темур замонида қайтадан ва чуқурроқ танишган, деб айтсак, менимча, муболаға бўлмайди.

Қисқача айтганда, Амир Темурдек мислсиз ёрқин шахс тарих саҳнасида пайдо бўлиб, ўзини тарбиялаган, ўзига ҳаётбахш маънавий озуқа берган, уни буюк ишларга чорлаган эл-юртининг номига ва маданиятига жаҳон миқёсида катта қизиқиш уйғотганини яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиман.

Тўртинчи фикр. Биз Амир Темур тарихини ҳар томонлама чуқур ўрганишимиз ва тадқиқ қилишимиз керак. Бугунги анжуман ана шу йўлдаги муҳим қадамдир. Сир эмаски, коммунистик мафкура ҳукмрон бўлган совет жамиятида тарих фани ҳам улуғ давлатчилик, улуғ миллатчилик ғояларининг қурбони бўлган эди. Шу сабабли бу даврда собиқ совет иттифоқи ҳудудида яратилган тарихий асарларда Амир Темур шахси ва фаолиятига адолатсизлик билан бир ёқлама баҳо берилди. Бу ғоя ер юзининг олтидан бир қисмини эгаллаган улкан ҳудудда яшаган икки юз эллик миллион халққа зўрлаб сингдирилди. Ана шундай нотўғри ва ғайриилмий қарашларга танқидий баҳо бериб, Амир Темурга нисбатан тарихий адолатни қарор топтириш бугунги темуршуносликнинг муҳим вазифаларидан биридир.

Бешинчи фикр. Минг афсуски, биз бошимиздан ўтказган мустабид тузум туфайли шундай бир аҳволга тушиб қолган эдикки, улуғ аждодимизнинг тарихи ва фаолиятини, башарият ривожига қўшган ҳиссасини бугунги кунда хорижда — АҚШ, Германия, Франция, Буюк Британияда, Ҳиндистон, Туркия, Эрон, Покистон ва бошқа мамлакатларда бизнинг ўзимиздан кўра кўпроқ билишади. Бизлар — яъни Амир Темурнинг Ватани бўлмиш шу заминда ўсган одамлар унинг фаолиятини жуда оз биламиз. Айтинглар, азиз дўстлар, бундан ҳам ортиқроқ адолатсизлик, ноинсофлик бўлиши мумкинми?!

Бу ҳолат бизнинг мустамлака зулмида яшаганимизнинг исботи, бизни буюк тарихимиздан бутунлай жудо қилишга бўлган интилишларнинг оқибати эмасми?

Бугун дунёнинг қарийб 50 мамлакатида темуршунос олимлар фаолият кўрсатмоқда. Темур ва Темурийлар даври ҳақида кўплаб китоблар нашр этилмоқда.

Дунё илмий жамоатчилигининг Амир Темур шахсига бўлган юксак эътиборини ҳисобга олиб, ЮНЕСКО ташкилотининг бугунги мўътабар санага бевосита ҳомийлик қилаётгани ҳам, бизнинг фикримизча, ғоят адолатли бир иш бўлди.

Ўтган олти юз йил мобайнида Амир Темурга бағишлаб яратилган жиддий асарлар сони Европа тилларида 500 дан зиёд, Шарқ тилларида эса 900 га яқинни ташкил этади.

Буюк бобомизга бўлган бу қадар юксак эътиқод ва эҳтиромингиз учун мен мана шу минбардан туриб сизларга ва сизлар орқали Амир Темурга иззат-икром кўрсатган барча инсонларга, сизлардан олдин йиллар давомида, асрлар мобайнида бизнинг улуғ аждодимизнинг меросини холисона ўрганган ва унинг номини абадийлаштирган фидойи олимларга, илмий даргоҳларга яна бир бор ташаккур билдираман.

Бу олижаноб ишга хориждаги тарихчиларни ҳеч ким даъват этган эмас. Бу ишлар улар учун катта бойлик ва нуфуз орттириш манбаи ҳам бўлмаган. Аммо бу олимларнинг илмий виждони, керак бўлса, инсоний виждони шуни тақозо қилган. Биз бундай одамларга, мана шу залда ўтирган узоқ ва яқин қўшни давлатларнинг вакилларига ҳар қанча тасаннолар айтсак арзийди.

Бизнинг бугунги асосий вазифамиз шундан иборатки, асрлар давомида дунёнинг турли мамлакатларида Амир Темур меросига бағишлаб йирик илмий марказларда ҳақиқатгўй олимлар томонидан яратилган тадқиқотларни чуқур ўрганишимиз, сизларнинг китобларингизни таржима қилишимиз, халқимизга, келгуси авлодимизга тарихни холис ва ҳаққоний ўргатувчи дарсликлар сифатида, бизнинг фахру ифтихоримиз сифатида тақдим қилишимиз керак.

Ишончим комилки, сизлар ва сизлардан олдин ўтган темуршунос дўстларимизнинг илмий жасорати, машаққатли меҳнати бугун биз учун энг катта бойликдир.

Муҳтарам конференция иштирокчилари!

Яна бир муҳим масалага тўхталиб ўтмоқчиман.

Озод ва обод Ўзбекистон учун бугун Амир Темур шахсияти ва мероси нима учун керак?

Буюк аждодимизнинг қайси фазилатлари биз учун азиз?

Биринчидан, Амир Темур аввало қудратли давлат қурган. Давлат қудрати бўлмаса, бетакрор маънавий мерос ҳам, обидалар ҳам, тарихий ёдгорликлар ҳам бўлмасди.

Ўзбекистоннинг бугунги озодлигини мустаҳкамлаш даврида Амир Темур биз учун буюк давлат асосчиси сифатида қадрлидир. У давлат пойдеворини қурган, давлатнинг ҳуқуқий асосларини барпо этган. Унинг давлатчилик борасидаги фикрлари нафақат ўз даври, балки келгуси авлодлар учун ҳам катта аҳамият касб этади.

Амир Темур ўз давлатини фақат кучга суяниб бошқаргани йўқ. Афсуски, баъзи манбалар ва тадқиқотларда шундай фикрлар баён қилинади. Шахсан мен бу нуқтаи назарга қаршиман. Агар бу давлат фақаттина кучга таянган ҳолда тузилган бўлса эди, авваламбор, бунчалик узоқ давр туролмасди.

Амир Темур ўз давлатини ақл-заковат ва ҳуқуқий асос билан идора этган, десак, адолатдан бўлади.

Унинг «Давлат ишларининг тўққиз улушини кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улушини қилич билан амалга оширдим», деган сўзлари бунинг ёрқин далилидир.

Иккинчидан, Амир Темур бундан 600 йил аввалроқ ҳеч қандай давлатнинг қўшнилари билан ўзаро алоқа тузмасдан, яъни, бугунги тил билан айтганда, ҳамкорликсиз истиқболи бўлмаслигини теран ва яхши англаган. Шу сабабли, у Европа ва Осиёни боғлашга хизмат қилган улкан ишларни амалга оширган. Бир томондан — Хитой, Ҳиндистон, бир томондан — Франция ва Англия, яна бир томондан — Рум, Испания, Италия, Миср ва бошқа давлатлар билан алоқалар ўрнатган ва шу муносабатларни мустаҳкамлашга уринган.

Амир Темур фаолиятидаги биз учун ибратли нуқталардан яна бири шундаки, у савдо-иқтисод муносабатлари орқали халқлар, мамлакатлар ўртасида ягона макон барпо этиш соҳасида шундай ютуқларга эришганки, бунга қойил қолмасдан иложимиз йўқ.

Амир Темур Испания қироли Генрих III, Франция ҳукмдори Карл VI, Англия қироли Генрих IV саройларига элчилар юбориб, мутаносиб равишда испаниялик, франциялик, англиялик, хитойлик ва бошқа қатор хорижий элчиларни ўз салтанатида қабул қилган.

Соҳибқироннинг Франция қироли Карл VIга ёзган хатидаги қуйидаги фикри диққатга сазовордир: «Сиз ўз савдогарларингизни менинг салтанатимга юборинг. Биз уларни илиқ қарши олиб иззат-икром кўрсатамиз. Биз ҳам ўз савдогарларимизни сизнинг юртингизга йўллаймиз. Сиз ҳам уларга ҳурмат кўрсатинг, уларга ортиқча тазйиқлар қилинишига йўл қўйманг. Сизга бундан бўлак талабим йўқ. Зеро дунё савдо аҳли ила обод бўлажак».

Қаранг, қандай оддий ва аниқ фикр: дунё савдо аҳли ила обод бўлажак! Демак, Амир Темур ташқи сиёсатида халқаро иқтисодий савдо алоқаларини кенг миқёсда йўлга қўйиш, ундан барчани, авваламбор, ўзининг халқини баҳраманд этиш бош ғоя бўлиб хизмат қилган.

XXI аср бўсағасида сиз билан биз халқаро миқёсда адолатли тарзда яратмоқчи бўлган интеграция макони ҳақида Амир Темур бундан 600 йил бурун бош қотирган ва шу йўлда сиёсат юритган. У барпо этган ягона иқтисодий-савдо майдонида бугунги кун учун ҳам, бугунги замон учун ҳам ибратли бўлган вазият мавжуд эди. Амир Темурнинг мана бу сўзлари бунга далилдир:

«...Салтанатимнинг у четидан бу четигача бирор болакай бошида бир лаган тилла кўтариб ўтадиган бўлса, бир донасига ҳам зарар етмайдиган тартиб-интизом ўрнатдим».

Учинчидан, соҳибқироннинг бунёдкорлик соҳасидаги тарихий хизматлари ундан ҳам беқиёс. Амир Темур ва унинг авлодлари саъй-ҳаракатлари билан қурилган мадрасалар, масжидлар, хонақоҳлар, саройлар, бозорлар, кўприклар, йўллар, бекатлар, ҳаммомлар, каналлар, қалъалар ва бошқа қатор иморату иншоотларнинг сон-саноғи йўқ.

Амир Темурнинг бевосита раҳнамолигида бунёд этилган Бибихоним жоме масжиди, Гўри Амир ва Аҳмад Яссавий, Занги ота мақбаралари, Оқсарой ва Шоҳи Зиндадаги меъморий муъжизалар, Боғи Чинор, Боғи Дилкушо, Боғи Беҳишт, Боғи Баланд сингари ўнлаб ғўзал сарой-боғлар ва бошқа иншоотлар шулар жумласига киради. Бу обидалар, ҳеч шубҳасиз, инсон тафаккури ва ақл-заковатининг буюк тимсолларидир.

Тарихчи Шарофиддин Али Яздийнинг ғувоҳлик беришича, Амир Темур «Ободончиликка ярайдиган бирон қарич ернинг ҳам зое бўлишини раво кўрмасди».

Тарих бу кўҳна дунёда ўтган кўп жаҳонгирларни билади. Уларнинг аксарияти фақат бузган. Амир Темурнинг улардан фарқи шундаки, у умр бўйи бунёдкорлик билан машғул бўлган.

Унинг «Қай бир жойдан бир ғишт олсам, ўрнига ўн ғишт қўйдирдим, бир дарахт кестирсам, ўрнига ўнта кўчат эктирдим», деган сўзлари фикримизнинг далилидир.

Энг муҳими, мазкур қурилишлар географияси биргина Туркистон билан чегараланиб қолган эмас. Бунинг исботи сифатида соҳибқирон қадами етган жойлардаги тарихий обидаларни эслашнинг ўзи кифоя.

Амир Темур Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг шаҳар ва қишлоқларида, ҳатто Жанубий Озарбайжон ва Кобул каби узоқ ерларда ҳам ободонлик ишларини олиб борган, суғориш иншоотларини қурдирган.

Шу маънода мен буюк бобомиздан қолган ҳар бир тарихий ёдгорликни, у қаерда жойлашган бўлмасин, халқларни бир-бирига боғлаб турувчи беқиёс восита, деб биламан.

Бир ўйлаб кўрайлик. Аҳмад Яссавий мақбараси қурилганига олти аср бўлди. Шу вақт ичида бу маскан дунёнинг турли бурчакларидан келган минглаб-миллионлаб зиёратчиларни маънавий жиҳатдан бирлаштириб, эзгуликка даъват этиб келмоқда.

«Агар бизнинг қудратимизни билмоқчи бўлсангиз, қурган биноларимизга боқинг», деганда Амир Темур энг аввало, ўз халқига, келажак авлодларига мурожаат қилган, десак янглишмаган бўламиз.

Тўртинчидан, ҳар қандай жамият тараққиётини илм-маърифатсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Буни теран англаган соҳибқирон ҳокимиятга келиши билан чиқарган дастлабки фармонларини мадрасалар барпо этиш, илм толибларига нафақалар тайинлаш билан боғлаган. Қайси бир шаҳарга ташриф буюрмасин Амир Темур энг аввало ўша ерлик олиму фозиллар билан учрашар, улар билан суҳбат қурар, турли мавзуларда баҳслашар эди.

Тарих, тиббиёт, математика, астрономия, меъморчилик соҳаларида юксак салоҳиятга эга Амир Темур учун бу табиий ҳол эди. Мазкур фазилат соҳибқироннинг авлодлари — айниқса, Мирзо Улуғбекка ўтгани шубҳасиз. Мирзо Улуғбекнинг давлат арбоби бўлиш билан бир қаторда буюк олим даражасига етишишида бобоси Амир Темурнинг таъсири бениҳоя катта бўлган. У Улуғбекдаги ноёб истеъдодни бошданоқ пайқаб, сафарларда ҳам ёнида олиб юриб, дунёнинг машҳур олимлари тарбиясидан баҳраманд этган.

Бешинчидан, Амир Темур ўз миллати ва эл-юртининг тақдири ҳақида кўп ўйлаган. У қўйган ҳар бир қадам нафақат ўша давр учун, балки келажак сари хизмат қилган.

Тарихда ҳукмдорлар кўп ўтган. Уларнинг аксарияти ўз маишати ва айшу ишратидан нарига ўтмаганлиги маълум. Уларни бугун биров эсламайди ҳам. Бироқ миллат ғамида ёнган, унинг истиқболи ва истиқлоли йўлида фидокорлик кўрсатиб яшаган арбобни келажак ва тарих ҳеч қачон унутмайди. Амир Темур ана шундай тарихий ва унутилмас шахсдир.

Унинг инсоний фазилатларига бир ёрқин мисол: 1404 йилда Бибихоним жоме масжиди қурилишини ниҳоясига етказаётганида унинг умридан бир йил қолган эди, холос.

Кексайиб қолган бир одамга, ўзи аввал барпо этган ўнлаб ва юзлаб иншоотлар ёнига яна бир бинони қўшиш шарт эдими? Унинг шону шуҳрати шусиз ҳам етарли эди-ку?

Бу мисол ҳам Амир Темурнинг доимо узоқ келажакни, авлодлари иқболини ўйлаб яшаганидан, умр бўйи улуғвор режалар ва ғоялар уни асло тарк этмаганидан далолат беради.

Олтинчидан, Амир Темур бир ҳақиқатни яхши англаган — жамият эътиқодсиз яшай олмайди. Одамларга дин керак, иймон керак, ишонч керак. У ўз «Тузуклари»да шундай дейди: «ҳар ерда ва ҳар вақт Ислом динини қувватладим».

Амир Темурнинг Қуръони Каримни ёд билгани, диний баҳсларда йирик уламолар билан баробар сўз юритгани унинг маънавияти, иймону диёнати қанчалар пок ва мукаммал эканини билдиради.

Маълумки, диний таълимот ва тарбиятнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва хизмати ниҳоятда катта.

Амир Темурнинг Ислом динига бўлган муносабатидаги энг муҳим қирра, бу — мусулмончилик ақидаларининг жамият осойишталиги, равнақи, ижтимоий адолат, иймон бутунлиги, маънавий поклик учун хизмат қилдиришга сафарбар этилишидир.

Унинг эътиқодига кўра, давлат давлатлигини, дин эса динлигини қилиши керак. Бу ғоя бугунги замонда ҳам ўз аҳамиятини заррача йўқотган эмас. Худди шу туфайли ҳам Амир Темур даврида Ислом дини равнақ топди, юксалди.

Шу билан бирга халқ дунёқараши, тафаккур тарзи ҳам анча ривожланди. Аҳоли ва давлат ўртасидаги муносабатлар ўзига ҳос тарзда мутаносиб тус олди.

Буюк жаҳонгир Амир Темур соҳибқирон ўлими олдидан авлодларига шундай васият қилган:

«... Мен шундан таскин топаманким, подшоҳлик давримда кучлиларнинг ожизларга озор беришларига йўл қўймадим. Халқлар осойишталиги борасида қарам фуқаролардан хабардор бўлиб турингилар, қатъиятли ва мардонавор бўлинглар. Улкан давлатни мендай узоқ, йиллар давомида бошқариш учун қўлларингдаги шамширни шараф ва номус билан маҳкам тутинглар...

Агар, сизлар менинг васиятларимга амал қилсаларингиз ва бошқа ишларингизда адолатга, шафқатга кўра иш тутсаларингиз, тинчлик-осудалик Турон заминида узоқ вақт сақланади.

Агарда ўзаро низоларга йўл қўйсаларингиз, душманлар тўполон ва тартибсизликларни бошлайдиларки, уларни жиловлашнинг иложи қолмайди. Сизлар бир жон, бир тан бўлсаларингиз, ҳеч ким менинг сўнгги васиятларимни бажаришларингизга монелик қила олмайди».

Бу доно васиятлар асрлар оша бизнинг давримизга қадар етиб келди. Ундан худди ҳозирги даврнинг нафаси сезилиб тургандай. Улуғ бобокалонимиз бизни адолатга, содиқликка, бирликка чорламоқда. Узаро низо, адоватлардан холи бўлинглар, деб, инсоф, шафқат ва ҳалолликка ундамоқда.

Муҳтарам конференция қатнашчилари!

Сизларда шундай бир савол туғилиши мумкин: нима учун бугун Ўзбекистонда Амир Темур сиймосига бундай юксак эҳтиром, иззат-икром кўрсатилмоқда?

Албатта, бунинг сабаблари бор.

Агарки, дарахтнинг илдизи қанчалар чуқур бўлса, у шунчалик баланд, бақувват, осмонўпар бўлади. Ёки замонавий тил билан айтадиган бўлсак, бино қанчалик баланд бўлса, унинг пойдеворини ҳам шунчалик чуқур ва мустаҳкам қуриш керак.

Биз бугун мустақил, адолатли, ҳуқуқий давлат қурмоқдамиз. Ўйлайманки, бизнинг бу борадаги принципларимиз — беш тамойилимиз ҳақида бу залда ўтирган кўпчиликнинг хабари бор. Бинобарин, уларни такрорлаб ўтиришнинг зарурати йўқ. Лекин мен иккита нуқтага сизларнинг эътиборингизни қаратмоқчиман:

— биринчидан, биз ўз миллатимиз, ўз халқимиз хусусиятларига, ўз миллий қадриятларимизга асосланиб;

— иккинчидан, тараққий топган давлатларнинг тажрибаларига ва умумбашарий ақидаларга таяниб мустақил давлатимизни қурмоқдамиз ва шу асосда жаҳон ҳамжамиятидан ўз муносиб ўрнимизни эгаллаб олмоқчимиз.

Хулоса шуки, бизнинг тарихимизда Амир Темурдай улуғ сиймо бор экан, унинг қолдирган мероси, панду ўгитлари бугунги ҳаётимизга ҳамоҳанг экан, олдимизда турган бугунги муаммоларни ечишда бизга қўл келаётган экан, бизнинг бу меросни ўрганмасдан, таърифламасдан, тарғибот қилмасдан ҳаққимиз йўқ.

Шунинг учун ҳам мана шу минбардан туриб, бутун Ўзбекистон халқига, қолаверса, бутун жаҳон аҳлига қарата: «Амир Темур бизнинг фахримиз, ифтихоримиз, ғуруримиз!», деб айтсам, ўйлайманки, хато қилмаган бўламан.

Хонимлар ва жаноблар!

Замонамизнинг кўпгина долзарб муаммолари инсониятнинг ўтмишдаги тажрибасини чуқурроқ тушунишни тақозо этади. Худди шу нарсани бугунги конференциямизнинг муҳим вазифа ва мақсадларидан бири деб билмоқ керак.

Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, ўзбек халқининг кўп асрли тарихи ҳам ана шундай тажриба манбаидир. Ишончим комилки, сизнинг маъруза ва ахборотларингиз, конференция давомида бўлажак баҳс ва мунозаралар Амир Темур ва Темурийлар даври сабоқларини чуқурроқ англаб етишга, бугунги кун олдимизга қўяётган долзарб саволларга жавоб излашга салмоқли ҳисса қўшади.

Конференция ишига муваффақият, барчангизга саломатлик ва бахту саодат тилайман.

Эътиборингиз учун ташаккур.

БОБОМИЗ ҲАЁТИ АВЛОДЛАРГА ЎРНАК

Куни кеча А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институтида буюк давлат арбоби, етук саркарда Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Уни институт директори А. Акмалов кириш сўзи билан очди.

Шундан сўнг тарих фанлари доктори, профессор Ҳамид Зияев «Соҳибқирон Амир Темурнинг жаҳон тарихидаги роли» мавзусида маъруза қилди. У ўз маърузасида Амир Темурнинг ер юзида буюк салтанат соҳиби сифатида эл ва элатларнинг бошини қовуштириб, қудратли давлат барпо қилиб, уни жаҳонга машҳур қилгани ва унинг давлат қурилиши, ҳарбий санъати кўп асрлар давомида бутун дунё мамлакатларига ўрнак ва андоза бўлганлигига эътиборини қаратди.

«Амир Темур даврида спорт» мавзусида маъруза қилган шу институтнинг доценти Ф. Хўжаев Амир Темурнинг миллий спорт ўйинларига нечоғлик аҳамият берганлиги ва соғлом авлод учун олиб борган ибратли ишларини алоҳида қайд этиб ўтди.

Суннатулла МАҲКАМОВ.

Олий таълим янгиликлари

Кейинги йилларда Тошкент шарқшунослик институти ҳамда Япония ўртасида дўстлик ришталари тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Ўзбекистонлик талабаларнинг Японияда таҳсил олишлари, ўзаро илмий-маърифий алоқалар йилдан-йилга янги поғоналарга кўтарилмоқда.

ЯПОНИЯДАГИДЕК ТАРАҚҚИЁТ

Бу сафар талабалар «Мицуи» фирмасининг бош вакили жаноб Танака билан бўлиб ўтган учрашув чоғида инвестиция ҳақида кенг қамровли ахборотларни билиб олдилар. Жаноб Танака саволларга жавоб қайтарар экан, икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришда талабалар — пухта билимли ёшларнинг вазифалари катта эканлигини таъкидлаб ўтди. Жумладан, меҳмон Ўзбекистонга ўз муносабатларини билдириб, «Ишончим комилки, давлатингиздаги иқтисодий-сиёсий барқарорлик, кенг имкониятлар Японияда-гидек юксак тараққиётга олиб боради. Барқарор тинчлик, иқтисодий сиёсат биз японларга мақбул. Ўйлайманки, мамлакатларимизнинг ҳамкорлиги энди бошланяпти. «Мицуи» ва «Марубени» фирмаларининг Ўзбекистонда олиб бораётган фаолияти Японияда-ги кўплаб компанияларни ҳам фойдали ҳамкорлик олиб боришга ундаши, шубҳасиз», дея айтиб ўтди. Билдирилган бундай ишончлар қалбларда кундан-кунга чуқурроқ илдиз отиб бораверса, бебаҳо мевалар беражак.

О. ҲАКИМОВ.



УСТОЗ

Ўқитувчи. Бу касб ихтисослар орасида машаққатли, шарафли, завқли ва айни чоғда ўта масъулиятлидир. Болаларни жон-дилдан севадиган, уларга юрак қўри ила меҳр улашадиган, ўқувчилари ютуғидан беҳад қувонадиган кишиларгина чин маънода Муаллим деган мўътабар номга сазовор бўла оладилар.

Алла Георгиевна Асанова ана шундай меҳри дарё ўқитувчилардан бири. У ҳар бир ўқувчисининг характерига қараб кўнглига йўл топа олади. А. Асанова пойтахтнинг Шайхонтоҳур туманидаги Қўчқор Турдиев номли 59-ўрта мактабда рус тили ва адабиёти фанидан сабоқ бераётир. Унинг ўзига хос иш тажрибалари мавжуд. Муаллима ҳар бир дарсни имкон қадар кўргазмали қуроллар ёрдамида ўтади. Машғулот жараёнида саволжавоблардан самарали фойдаланади. Ўқувчиларнинг сабабсиз дарс қолдиришига ёки кечикиб келишига йўл қўймайди.

А. Асанова нафақага чиққан бўлса-да, ўзини жонажон мактаби, суюкли ўқувчиларисиз тасаввур қилолмайди. У болаларнинг ўсмирлик даврида ота-оналар ҳам, муаллимлар ҳам ниҳоятда хушёр, сезгир бўлишлари, уларнинг нозик қалбини дилдан ҳис қилган ҳолда ёндашишлари лозим, деб ҳисоблайди. Алла Георгиевна илм толибларини тарбиялашда ана шу томонга алоҳида аҳамият беради. Шу боис бўлса керак, у раҳбарлик қилаётган 10-»А» синф ўқувчилари А. Асанови устоз мураббий сифатида ниҳоятда ҳурмат қилишади.

— Тил билган эл билади. Мустақил Ўзбекистонимизни жаҳоннинг кўплаб давлатлари тан олган, бепоён диёримиз дунё миқёсида иқтисодий алоқалар ўрнатаётган ҳозирги даврда тил ўрганиш жуда муҳим. Шу боис республиканинг бир фуқароси, зиёлиси сифатида билимимни келажагимиз бунёдкорлари бўлмиш ёшларга беришга, рус тилини пухта ўргатишга ҳаракат қилаяпман, — дейди А. Асанова.

Д. ХЎЖАЕВА.

СУРАТДА: Алла Георгиевна Асанова 10-«А» синфда машғулот ўтаётир.

Рашид ГАЛИЕВ сурати.

Китоб жавонингизга

ҲАЁТГА ЙЎЛЛАНМА

Барча маориф ходимлари, мураббийлар Президент И. А. Каримовнинг яқинда нишонланган Халқ таълими ходимлари куни муносабати билан «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими ходимлари»га юборган табриги таъсиридадирлар. Унда шундай сўзлар бор: «Илму маърифатда, маънавиятда жаҳонга машҳур бўлган шарқона мактабимиз бор». Самарқанд шаҳридаги 21-мактабнинг 60 йиллигига бағишланган Шамсиддин Шаропов ва Ўтамурод Нурмуҳамедовнинг «Ҳаётга йўлланма» китобини ўқирканмиз, беихтиёр юртбошимизнинг юқорида айтган ҳикматли сўзлари эсга келади.

Рисола муқаддимадан ташқари 5 қисмга бўлинган. Унда она-Ватанни жондан севишни, вояга етказган ота-онани, халқ хизматини чин юракдан адо этишни ёшлар онгига сингдирган, ҳаётга йўлланма берган ўқитувчиларнинг заҳматли, аммо шарафли меҳнати қизиқарли, ўқишли тилда баён этилган.

Асарнинг «Тарих — адолат офтоби» қисмида муаллифлар 1915 йилда ҳам шаҳарда рус тилида ўқитиладиган мактаблар очишга ҳаракат қилингани, лекин маҳаллий амалдорлар, чор мустамлакачиларининг вакиллари ерли халқ фарзандларининг саводли бўлишларига тиш-тирноқлари билан қарши бўлганлиги ва бошқа саъй-ҳаракатлар ҳам тўсиқларга учраганлиги ёритилган.

«Маърифат чашмаси» ва «Суронли йиллар» қисмларида эса атоқли педагог, маърифатпарвар инсон Раҳматулла Исматуллаевнинг бевосита ташаббуси билан 21-мактабнинг очилиши, бир йилдан кейин 1937 йилда у ўрта мактабга айлантирилганлиги ҳамда жонкуяр ўқитувчиларнинг меҳнат фаолиятлари ёрқин тасвирини топган.

Китобнинг «Тинч қурилиш йиллари» ва охирги «Зиё масканининг бугуни» бўлимларида эса, тажрибали ўқитувчиларнинг сафи йилдан йилга кенгайиб, таълим-тарбия яхшиланиб борганлиги, ижодкор ўқитувчиларнинг иш тажрибалари туман, вилоятда, ҳатто республика миқёсида оммалашганлиги, кўплаб ўқувчилар республика олимпиадаларида қатнашиб, совринли ўринларни эгаллаганликлари ҳақида ҳикоя қилинади. Айниқса, 21-мактаб ўқитувчиларининг бир соатлик дарс таҳлили, синфдан ташқари тарбиявий ишларининг намунали кўринишлари қизиқарли тасвирлаб берилган.

Хуллас, ушбу рисоланинг чоп этилиши айни муддаодир. Чунки бу илм масканидан давлат арбоблари, фан ва маданият, санъат намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари етишиб чиққан. Уларнинг ҳар бири ҳақида алоҳида асар ёзса арзигуликдир.

Эркин ХЎЖАЕВ,
Носир ТОИРОВ.

Она тилим — жону дилим

ИШЧИ ГУРУҲИ ЙИҒИЛИШИ

Тошкент шаҳридаги 1-педагогика билим юртида ўзбек тилига давлат мақоми берилганлигининг 7 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигида «Давлат тили тўғрисида»ги Қонунни ҳаётга татбиқ этиш бўйича тузилган ишчи гуруҳининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Тошкент шаҳар педагогика билим юртида янги ўзбек алифбосини ўқитиш бўйича мутахассислар тайёрлашнинг аҳволи», «Ўзбек тили доимий анжумани йиғинига тайёргарликнинг бориши тўғрисида»ги масалалар юзасидан мазкур билим юрти директори Мунаввара Исмоилова, Халқ таълими вазирлигининг педагогика, таълим ва фан бошқармасининг бошлиғи Мухтор Яҳёев, РТМ бўлим мудири Муҳаббат Абдураимоваларнинг ҳисоботлари тингланди. Ушбу масалалар юзасидан педагогика фанлари номзоди Йўлдош Абдуллаев, РТМ директори, психология фанлари доктори, профессор Ғайрат Шоумаров, Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтининг директори, педагогика фанлари доктори, профессор Даврон Шодиев сўзга чиқдилар.

Маърузаларда таъкидланганидек, ўтган йиллар давомида давлат тили нуфузини ошириш борасида қатор ишлар қилинди. Бинобарин, «Ўзбек мактабларида она тилини ўқитиш концепцияси» ишлаб чиқилди ва Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ҳайъат мажлисида (1993 йил, октябрь) муҳокама этилди. Умумтаълим мактабларининг 5-9-синфлари учун янги мазмундаги «Она тили» дарсликларини яратишга киришилди. Айни пайтда 5-синф «Она тили» дарслиги «Ўқитувчи» нашриётида (1997 йилда) босишга ҳозирланмоқда. 9-синф дарслиги қўлёзмаси нашрга тайёрланди. Бир неча номда методик қўлланма ва луғатлар чоп этилди: «Она тили таълими мазмунини янгилашнинг асосий йўналишлари», «Ўқитувчилар сўз бойлигини ошириш», «Она тили дарсларида ўқувчилар фаоллигини ошириш», «Сўзи бойнинг ўзи бой» кабилар ана шулар жумласидандир.

«Ўзбек тили» доимий анжуманининг навбатдаги IV йиғинини 1997 йил 11-12 апрель кунлари Тошкент шаҳрида ўтказиш кўзда тутилган. Ҳозирда анжуманни ўтказиш билан боғлиқ ташкилий ишлар олиб борилмоқда.

Йиғилиш сўнггида ишчи гуруҳи раиси, Ўзбекистон халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Йўлдош Саиджонов якунловчи нутқ сўзлади.

Талабалар ижросидаги ўзбек тилининг узоқ тарихий ўтмиши ва бугунги кундаги тараққиёти ҳақидаги композиция йиғилиш қатнашчиларига ҳавола этилди. Тилимизни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар янгради.

У. ЖУМАЕВ.

Тажриба, синов, натижа

НАМУНАЛИ ОЧИҚ ДАРСЛАР

Дарс — ижод маҳсули. Ўқитувчи бир соатлик дарсда ўз ўқувчиларига бир олам тассурот бериши ёки аксинча бўлиши ҳам мумкин. Таассурот эса муаллим маҳоратига боғлиқ. Маҳорат эса меҳнат деганидир.

Акмал Икромов туманига қарашли 296-мактабда бўлиб ўтган тадбир ўқитувчи маҳоратининг бир талай қирраларини кўрсатди. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг 7 йиллиги ҳамда буюк Соҳибқирон, ўзбек халқининг ўлмас сиймоларидан бири Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб ўтказилган қўшалоқ тадбир мазкур мактаб тил-адабиёт ўқитувчилари меҳнатининг самараси бўлди.

Муҳиддин Жўраев, Гулчеҳра Жўраева, Розия Абдусаторова, Сурайё Қодирова — ижодкор ўқитувчилар. Улар бу сафарги очиқ дарс муаллифлари, аниқроқ айтганда, тил байрами ва улуғ саркарда, давлат бошқарувчиси Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини мактаб доирасида, ўқувчилар иштирокида нишонлаш тадбирининг ижодкорлари.

Очиқ дарслар 5, 7, 11-синфларда ўтказилди. Тумандаги 36 та мактабнинг аксариятидан ташриф буюрган тил-адабиёт ўқитувчилари ўз ҳамкасбларининг дарс ўтиш услубидан, маҳоратидан бохабар бўлишди. Бу эса семинар иштирокчиларига ўзлари билан бу ҳамкасбларининг дарс ўтиш усулларини таққослаш имконини ҳам берди. Дарсни сиртдан, холис киши сифатида кузатиш, унинг маъқул ва номаъқул жиҳатларини кўрсатиш, таҳлил этиш очиқ дарс муаллифларига қандайдир даражада кўрсатма ҳам бўлди.

Очиқ дарс ўтказган муаллимлардан бири, Ўзбекистон халқ таълими аълочиси Муҳиддин Жўраев ўртага ташлаган мавзу: «Отабек, Кумушбиби ва замонамиз ёшлари» баҳс-мунозара дарси сифатида қайд қилинди. Мактабни, таълим-тарбияни ўз фаолиятининг мезонига айлантирган бу ўқитувчининг очиқ дарси ҳам дабдурустдан ўтказилганини сездик. Яъни у ўз ўқувчиларига сен у саволга, сен бу саволга жавоб берасан, деб тайинлаб қўймаган. Тўғридан-тўғри баҳс-мунозарада ўқувчилар Абдулла Қодирий романидаги миллий қаҳрамонлар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Муҳиддин Жўраев эса ондасонда уларнинг мулоҳазаларини тўлдириб турди. Дарсга таклиф қилинган Абдулла Қодирийнинг ўғли Маъсуд Қодиров ҳайратомуз шундай бир гапни айтиб қолди:

— Отам раҳматлик бу романни ёзиб бўлганларида 22 ёшда эканлар. Нашриётда, ўша йигирманчи йилларда, айрим муҳаррирларнинг эътиборсизлиги оқибатида роман анча вақт чоп этилмасдан қолиб кетган. Кейинчалик тарихчилар романни ёзганида Абдулла Қодирий 30 ёшида бўлган, деган гапни айтиб юришарди. Аслида эса романни ёзиб тугатганда Қодирий жуда ёш бўлган.

Қори Ниёзий номидаги ПФИТИ ўқув ва таълим сектори мудири, педагогика фанлари номзоди Рустам Йўлдошев, 124-мактаб тил-адабиёт ўқитувчиси Сурайё Саидовалар ҳам очиқ дарс ҳақида, унинг мавзуси, бугунги ўқувчи ва ўқитувчи муносабатлари хусусидаги ўз фикрларини билдиришди. Германияда «Тошкентлик ошиқлар» номи билан чоп этилган мазкур асар ўзбек романчилигининг жуда катта ютуғи эканлиги яна бир бор эътироф этилди. Маъсуд Қодиров асарнинг дастлабки эски ўзбек ёзувидаги нусхаси асосида чоп этилган «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён» китобини мактаб кутубхонасига тақдим этди.

Мактаб директори Шоҳида Бердиева семинар сўнгида сўзга чиқиб, ҳар бир адабиёт ўқитувчисининг тавсифини келтирар экан, очиқ дарс ҳамиша ва ҳар доим таълим даргоҳига янгича руҳ олиб киришини таъкидлади.

Тадбир ниҳоясидаги бадиий қисм — куй, қўшиқ, рақс, мушоира, кичик саҳна кўринишлари ўқувчилар томонидан иштиёқ билан ижро этилди.

Ҳ. ТЎЙМАНОВА.

ДИЛ ТАРЖИМОНИ

Тил байрамларини ўтказиш анъана тусини оляпти. Бу эса ўз тилимизнинг юртимизда мавқеи тобора мустаҳкамланаётгани белгисидир. Республика Таълим марказида «Тил — дил таржимони» деб номланган тадбир ҳам ана шундай байрамлардан бири бўлди.

Таълим маркази директори, психология фанлари доктори, профессор F. Б. Шоумаров байрамнинг очилиши олдидан тўпланганларни, яъни педагог олимларни, шаҳар мактаби тил-адабиёт ўқитувчилари, русийзабон таълим муассасаларининг ўзбек тилидан дарс берувчи муаллимларини қутлади.

Филология фанлари номзоди, доцент А. Рафиев «Ўзбек тили таълими янгиланиш йўлида» мавзуси билан чиқиш қилди. Шундан сўнг тадбирда маърузабозликка чек қўйилиб, бунинг ўрнига адабий-бадиий саҳна кўринишлари намойиш этилди. Чилонзор туманидаги 103, 168, Шайхонтоҳур туманидаги 10, 34-мактабларнинг юқори синф ўқувчилари миллий либосларда саҳнага чиқишиб, томошабинларни лол қолдиришди. Улар ижро этган шеър, қўшиқ ва рақсларда ўзбекона руҳ баралла сезилди. Шуниси эътиборга лойиқки, саҳнага чиққанларнинг аксарияти рус миллатига мансуб ўқувчилар эди.

103-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси Башорат Саидқориева шундай дейди:

— Гимназия мактабимизда давлат тилига меҳр билан муносабатда бўлиш қарор топган. Ҳолбуки, 95 фоиз ўқувчиларимиз рус миллатига мансуб. Уларга ўзбек тилидан таълим беришда қўллайдиган дарслигимизда «Қалдирғоч», «Қушча», «Лаббай», «Кичкина Нигора» каби болалар боп шеърлар учрайди. Ахир, ўзингиз ўйланг, 10-11-синф ўқувчиларига бу шеърлар эриш туюлмайдими? Ўсмирлар учун уларнинг ёши ҳисобга олинган дарсликлар яратилишини орзу қиламиз.

Мухбиримиз.

Ватаннома

«БУЮК ИШЛАРНИНГ ДАВОМЧИСИ БЎЛ!»

«Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир» мавзуида ўқувчилар иншолари Республика кўрик-танлови давом этмоқда

Ўқувчи иншо ёзмоқда. Бутун вужуди билан берилиб, фикру хаёлини бир парча қоғоз узра жамлаб иншо ёзмоқда. Мавзуси— Ватан. Мавзуси — она диёр. Мавзуси — жонажон Ўзбекистон. Келинг, улардан парчалар ўқийлик:

«Ватаним — мен туғилиб ўсган уй, ҳар бир кўчаси, дарахти, тоши, тупроғи; менга азиз бўлган она шаҳрим — Қамашим; радиодан «Қашқадарё» деса бир энтикиб, жон қулоғимни тутадиган вилоятим; юртбошиз жаҳон минбаридан сўзлаб, тилга олганда қулоғимга оҳанрабодай эшитилиб, борлиғимни тўлқинлантирадиган Ўзбекистоним; боболаримизнинг жисмлари мангу ором топган, руҳи поклари ҳамон кезиб юрган бу она замин — қозоқ ва қирғиз, ўзбегу тожик, туркману қорақалпоққа ошён бўлган кўҳна диёр Туркистоним.»

Қашқадарё вилояти, Қамаши тумани Ғафур Ғулом номли мактаб ўқувчиси Лобар Бердимуродованинг иншосидан.

«Тарих саҳифаларини эсласам, она шаҳрим Урганчга асос солган Абулғозийни, мўғул лашкарларини ҳайратга солган Нажмиддин Куброни, Чингизхонни лол қолдирган Жалолиддин Мангубердини ўйлаб қоламан. Ахир бундай боболаримиз қалбида энг буюк туйғу — Ватан ишқи, меҳр-муҳаббати чақмоқ чақиб, ёниб турмаганмиди!»

Хоразм вилояти, Урганч шаҳридаги Огаҳий номли лицей ўқувчиси Пошшажон Бобожонованинг иншосидан.

«Эй, бешикда она меҳридан маст бўлиб, мириқиб ухлаётган укажоним! Сен буюк бир элнинг фарзандисан. Бешигингдан ташқарида сени кутаётган бепоён Ватан бор! Бир коримга ярармикан, дея умид қилаётган жафокаш халқ бор! Сен уларнинг таянчисан, жигарим! Улуғ аждодларнинг қилган буюк ишларининг давомчиси бўл! Сен Амир Темур ва Улуғбекларнинг, Тўмарис ва Широқларнинг авлодисан! Вужудингда Жалолиддин ва Темур Малик, Навоий ва Бобурларнинг қони жўш урмоқда. Қалбингда ўша аждодларингинг Ватанга бўлган боқий муҳаббат уруғи бор!»

Андижон вилояти, Марҳамат туманидаги 23-ўрта мактаб ўқувчиси Наима Алиқулованинг иншосидан.

Бундай иншоларни тўлқинланмай ўқиб бўлмайди. Ўқувчи бор меҳрини қоғозга тушириб, Ватан ҳақида ҳали ҳеч ким айтмаган қўшиқ куйлаяпти. Бу қўшиқнинг муаллифи ҳам, бастакори ҳам унинг ўзи.

Аввал хабар берганимиздек, айни шу кунларда Республикамизда «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир» деган мавзуда мактаб ва ҳунар билим юртлари ўқувчиларининг иншолар кўрик-танлови ўтказилмоқда. Бугунгача кўрик-танловнинг 3 та босқичи — мактаб, туман (шаҳар) ва вилоят босқичлари ўтиб бўлди. Биз юқорида парчалар келтирган иншолар вилоят кўрик-танловларида ғолиб чиққан ўқувчиларники.

Мазкур иншоларни мазмуни бўйича уч қисмга бўлиш мумкин. Биринчиси Ватан тарихига, ота-боболаримиз ҳаётига берилган баҳо ва улардан олинган сабоқлар. Иккинчиси — Ватаннинг бугунги куни —истиқлол ва унинг мевалари, Президентимиз И. А. Каримов раҳбарлигида бошланган инқилобий ўзгаришлар, Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги. Ва учинчиси — ўқувчининг ўз келажагига, Ўзбекистоннинг ёрқин келажагига ишончи ва муносабати.

Эндиги навбат иншолар кўрик-танловининг якунловчи Республика босқичига. Кўрик-танлов Низомига асосан барча вилоятлардан ғолиб чиққан бир нафардан ўқувчилар ноябрь ойида Тошкент шаҳрига таклиф қилинадилар ва якунловчи босқичда берилган мавзулар бўйича иншо ёзадилар. Шу кунларда кўрик-танловнинг Республика ҳакамлар ҳайъатига барча вилоятлардан буюртмалар ва ғолиб ўқувчиларнинг иншолари келмоқда. Умид қиламизки, Республика кўрик-танлови бу йил ўтган йилгидан ҳам зиёда ўтади ва биз янги-янги ёш иқтидорли ўқувчиларни кашф қиламиз.

Нурали ЖАЛИЛОВ,
Халқ таълими вазирлигининг бош назоратчиси, Республика иншолар кўрик-танлови ҳакамлар ҳайъати аъзоси.

2-даражали «Соғлом авлод учун» ордени соҳиби

ТАШВИШЛАРИ ТОТЛИ ОПА

Инсон ҳаётини ирмоққа қиёсласа бўлади. Ирмоқлар борки, тўлиб-тошиб оқади. Қайроқ тошларга урилса ҳам, тупроқни ўпирса ҳам зилол ва поклигича қолаверади. У саховатли замин бағрини гуллатиб-яшнатиш учун ошиқаётган улкан дарёга қўшилишга ошиқади. Оби-ҳаётга муҳтож бир гиёҳ қаддига қувват берса, бир ғунчанинг очилиб, оламга кулиб боқишига сабабчи бўлса — ирмоқнинг иқболи шу!

Гулнора опа Адамбековани ҳаёт йўли ана шундай эзгу ва зиёбахш ирмоққа монанд. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтини битирганидан сўнг, мана 30 йилдан буён Ҳамза туманидаги 216-ўрта мактабда бошланғич синфларда ўғил-қизларга сабоқ бериб келмоқда.

Ўттиз йил! Бу давр мобайнида муаллимлик касбини эъзозлаб, унга ўзининг бутун борлиғини, қалб ҳароратини, юрак меҳрини бахш этиб келишнинг ўзи бўлмайди, албатта.

Гулнора опанинг бутун фикр-ўйи болаларни мактабга тайёрлаш, уларни саводхон, билимли қилиб тарбиялашга қаратилган. Унинг ўтган йиллар давомида Наталья Бикбоева билан биргаликда яратган математикадан 14 хил методик қўлланма, топишмоқли кўрсаткичлар фидойи муаллиманинг тиниб-тинчимас, изланувчанлигини яққол ифодалайди. Бундан ташқари у томонидан 1996 ўқув йилида 1-синф ўқувчилари учун лотин ёзуви асосида янги ўзбек алифбосида математика дарслиги, махсус дафтарлар тайёрланди ва мамлакатимизнинг барча мактабларига тарқатилди.

«Бошланғич синф ўқитувчилиги касбини танлашингизга нима сабаб бўлган?», деб сўрайман гап орасида опадан.

— Бошланғич синф ўқитувчиси болаларни билимлар дунёсига олиб киради. Бу ларни жуда гўзал, тенги йўқ, кўз қувонадиган чаманзорга олиб кириш жараёнига ўхшайди. Ҳар бир ёш қалбнинг кўнглига маърифат нурлари ила кириб бориш, фақатгина кириб бориш эмас, шу мурғак қалбни ширин муомала, меҳрибонлик билан забт этишни энг олижаноб иш деб биламан.

Гимназиянинг 1-синфига болалар танлов йўли билан, ота-оналар, ўқитувчилар ва Гулнора опа иштирокида қабул қилинади. Болаларга шеър айттирилади, рангларни фарқлай билиши, нутқининг равонлиги, соғлиги имтиҳондан ўтказилади. Шу боис, гимназия синфида ўз фарзандини ўқитаман деган ота-она аввалдан тайёргарлигини кўради, уни жуда эрта мактабга тайёрлайди.

Опанинг ташвишлари бир дунё. Тиним билмайди. Мабодо, «чарчамадингизми?» деб сўрасангиз, чарчашга вақт борми, деб кулиб қўяди. Ҳа, инсон ўз севган касби билан машғул бўлса, у чарчоқ нелигини билмайди, доимо изланишда, ҳаётнинг қайноқ нуқталарида бўлади.

Меҳнат кишини улуғлайди, эл ҳурматига сазовор этади, дейишади. Халқ таълими соҳасига қўшган катта ҳиссасини юксак баҳолаган ҳукуматимиз Гулнора Адамбековани яқинда «Иккинчи даражали соғлом авлод учун» ордени билан тақдирлади.

— Ҳар ким ўз вазифасини ҳалол бажарса, ҳаёти гўзал, яшаш яна ҳам мароқли бўлаверади, — дейди опа. Бу ҳақ гап!

Улуғбек Актам ўғли.

КЎРГАЗМА ҒОЛИБЛАРИ

Республика ўқувчилар техник ижодиёти марказида жумҳурият миқёсида болалар техник ижодкорлиги кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда яхши ишлар танлови бўйича «Коинот» ишлаб чиқариш бирлашмасидан С. И. Чиннаев, Аэрокосмонавтика федерациясидан И. В. Красильников, «Ватанпарвар» радиостанциясининг бошлиғи Н. Г. Кузнецова, «Аспект» фирмасининг директори О. Холиқов, радио тўгараги раҳбари В. И. Авдеев, Нафис санъат мактабининг катта ўқитувчиси А. Норкобиловлардан иборат ҳайъат аъзолари ҳакамлик қилдилар.

Кўргазмада республикамиздаги ўнта вилоят ва Тошкент шаҳридан — жами 110 та экспонат намойиш қилинди. Бошланғич техник моделлаштириш, ўқув кўргазма қуроллари, халқ амалий санъати, агросаноат ва кичик қишлоқ хўжалиги машиналари, қурилиш техникаси, само ва коинот техникаси, сув техникаси, электротехника ва радиотехника, ЭҲТ ва программалаш каби тўққиз йўналишдаги ишлар кўргазмалан муносиб ўрин олди.

Яхши ишлар танлови якунига кўра Сурхондарё вилояти Сариосиё туманидаги 21-мактабнинг 6-синф ўқувчиси С. Нажмиддинов «Электроника БТ-21» ўқув кўргазма қуроли учун, Тошкент вилояти Келес шаҳридаги 11-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Дилмурод Ғозиев ёғоч ўймакорлик асосида ишлаган бежирим стол ва стули учун биринчи ўринни олишга муваффақ бўлдилар.

Бошланғич техник моделлаштириш бўйича Наманган вилояти Нуробод туманидаги 13-мактаб ўқувчиси Х.Мажидов ясаган тут шохини кесувчи «Узбекистон — 01» асбоби, Учқўрғон туманидаги 8-мактабнинг 5-синф ўқувчиси Бобур Бойхонов эса «МАЗ-01» машинасининг модели учун ғолиб деб топилдилар. Самарқандлик Григорий Чиричнинг само ва коинот техникаси йўналиши асосида яратган «Динамонд БП-4» ракетасига ҳам биринчи ўрин берилди.

Кўргазмада жамоа ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, Тошкент шаҳар Бектемир туманидаги 291-мактаб 9-синфининг. «Сув ости қайиғи» деб номланган жамоа иши, Самарқанд вилояти ўқувчилар техник ижодиёт марказининг «Электронли блок» жамоа иши, мазкур марказнинг бошланғич техник моделлаштириш тўгараги жамоасининг иши — «Робот», электрон ҳисоблаш машинаси тўгараги жамоасининг «Нимадан бошлаш керак?» услубий иши ҳам фахрли ўринни олишга сазовор бўлди.

Мухбиримиз.



Роҳилахон Камолова Янгиқўрғон туманидаги 10-ўрта мактаб жамоаси ўртасида катта обрў-эътибор қозонган. У 22 йилдан буён ўқувчиларга математика фанидан дарс бериб келмоқда. Намунали бу илм масканида машғулотлар кўргазмали қуроллар ва компьютерлардан унумли фойдаланган ҳолда ўтказилади. Пухта билим олаётган ўқувчилар республика олимпиадаларида муваффақиятли иштирок этиб, барчани мамнун этишмоқда.

СУРАТДА: моҳир педагог, мураббий Роҳилахон Камолова.

Х. МИРЗАКАРИМОВ олган сурат.

Обуна-97

ЖУРНАЛНИНГ ЎЗ СЎЗИ БОР

Куз бошланди дегунча матбуотда ҳам ўзига хос мавсум бошланади. Келинг, буни шартли равишда обуна хирмонини кутариш мавсуми деб айтақолайлик. Газет-журнал ходимидан тортиб бош муҳарриригача бу кунларда фақат бир нарсани ўйлайди.

— Бу йил газетнинг адади қанча бўларкин?

— Бу йил журналимизнинг чоп этиладиган сони неча мингта етаркин?

Таҳририят жамоаси билан бирга муаллифларимиз ҳам бу ҳақда қайғуришади. Ният эса битта— обуначининг сону саноғини кутариш. Хўш, бу нима дегани?

Матбуот азал-азалдан тарғиботдан ташқари, каттаю кичикни дунёни билишга, барча соҳадаги янгиликлар билан таништиришга хизмат қилиб келган. Хонадонингизга ахборот ташиб турган. Ёзувчию санъаткор, олиму ихтирочи, ишбилармону деҳқон ўз сўзини матбуот орқали ўтказган. Бир сўз билан айтганда, маданияту маърифат учоғи бўлган. Ўз сўзи билан нур ташиб турган.

Катта матбуот қатори болалар газет-журналлари ҳам ана шу хизматда. Улар болалик оламининг ойнаси. Олтмиш олти йиллан бери ана шундай хизмат қилиб келаётган журналлардан бири— «Гулхан»дир. «Гулхан» ўсмирларнинг ягона журналидир. Бир ҳисоб-китоб қилиб кўрсак, агар мактабларимизнинг бешинчи синфидан тортиб тўққизинчи синфигача бўлган ўқувчилар «Гулхан»га обуна бўлса, унинг нашр нусхаси 2 миллион 300 мингдан ошиб кетар экан. Биз ишонч билан айтамизки, худо хоҳласа, бир кун келиб бу маррага ҳам етармиз.

Аммо ҳозирча бир таклиф бор. Бу таклифга чорлашдан олдин дилдаги гапни айтақолай. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида баъзи бир қийинчиликларга дуч келаётганимиз сир эмас. Ана шуни ҳисобга олиб, ушбу таклифни ўртага ташладик.

Азиз муаллимлар, жамоа — яъни синф обунасини ташкил қилинг! Агар синфингизда уттизта ўқувчи ўқиса, олти сўмдан йиғсангиз, кўрибсизки, синфингизга «Гулхан» кириб боради. Олти сўмга эса бор-йўғи учта сақич— жевачка беради. Бирорта ота-она бу усулдан оғринмайди. Натижада синфда «Гулхан»нинг жамламаси пайдо бўлади. Синфдан, дарсдан ташқари ўқишлар учун тайёр дарслик. Кўпроқ йиғилса, бўсғи энди ўқитувчининг уюштиришига, ташкилотчилигига боғлиқ. Ана шундай йўл танланса, ҳар бир мактабга оз деганда 20 тадан журнал кириб боради. Якка обуначилар топилса, ундақаларга фақат раҳмат айтамиз.

Яна бир оддий ҳақиқат бор. Бозорга чиқдик. Касбу кори ким бўлишидан қатъий назар, невара ёки боламизга ҳеч бўлмаса битта жевачка— сақич олиб берамиз. Мен фақат оддийсини айтяпман. Баландроғига ўтмаяпман. Чунки боланинг кўзини ўйнатувчи «Чипа-чупс», «Киндерсюрприз», эҳҳе, яна алламбалолар бор. Нархи ҳам... Сақичга эса икки сўм бердик. Ҳозир икки сўмга нари борса бир дона қурт беради. Чунтагимизга зарар теккани йўқ. Аммо ҳар куни биттадан олиб бериб турсангиз, 365 кунда бу чайнағич неча сўмнинг бошига етади. Агар шуни ҳисобласангиз, боланги бу кетган пулга «Гулхан» учун 4-5 йил обуна булади. Йилтироқ қоғозга уралган, беш-ўн дақиқалик қувончга интилаётган болаларимиз кўзини китобга, журналга қаратишни ўргатайлик.

Ота-оналар, муаллимлардан ташқари бизнесмен деганларга, каттаю кичик корхона эгаларига, мулкдорман деганларга мурожаат қилмоқчиман.

Кўчангиз болаларини, мактаб ўқувчиларини «Гулхан»га обуна қилинг. Балки бошқа нашрларни ҳоҳларсиз. Ихтиёрингиз. Шундай қилсангиз, кони савобга қоласиз. Маънавият-маърифатни бойитишга ҳисса қўшган буласиз. Қолаверса, болалар ҳаммамизники. Эртага улар бу яхшиликни юз карра қилиб қайтарадилар.



Биласиз, «Гулхан» юртбошимиз ғамхўрлиги туфайли давлат тасарруфига ўтган. Дарсликлар қатори болалар нашрларига алоҳида имтиёз берилган. Агар бу ғамхўрлик бўлмаганида «Гулхан» бу йил 12 та чиқишини режалаштирмасди. Ҳозир «Гулхан» оппоқ кундай қимматбаҳо қоғозда, алоҳида муқовада, рангли-безакли ҳолда барчанинг кўзини ўйнатиб, ҳар ойда чоп этилмоқда. Муассисларимиз ҳам бу борада ўз меҳрларини аямаяптилар.

Гапнинг индаллоси, «Гулхан»га обуна бўлсангиз, ютқизмайсиз. Мен атай бу ерда журналимизнинг келгуси йилги режалари устида тўхталмадим. Сир сақладим. Қўлингизга теккач, «Яхшиям «Гулхан»га ёзилган эканман», деган бир қувонч дилингизда уйғонишига кафолат бераман. Чунки «Гулхан»нинг ҳамиша Сизга айтадиган ўз сўзи бўлган.

Сафар БАРНОЕВ,
«Гулхан» журналининг бош муҳаррири.

Анвар Марасулович ҚУЧҚОРОВ

Таниқли давлат ва жамоат арбобларидан бири, Узбекистонда маориф ва маданият ишининг жонкуяри ва ташкилотчиси, шахсий пенсионер Анвар Марасулович Қучқоров 1996 йил 24 октябрда 80 ёшида вафот этди. Уз онгли ҳаётини ёш авлод тарбиясига, эл-юрт маданиятининг юксалишига, халқаро алоқаларнинг мустаҳкамланишига бағишлаган бу инсон ибратли умр йўлини босиб ўтди. Анвар Марасулович Қучқоров 1916 йил 16 декабрда Тошкент вилояти Зангиота туманидаги Бешариқ қишлоғида оддий деҳқон оиласида туғилди. У урта мактабни битиргандан сўнг Тошкент давлат педагогика институтида ўқиди ва уни 1941 йилда тамомлади. Меҳнат фаолиятини Тошкент педагогика билим юртида ўқитувчиликдан бошлади.

Анвар Марасулович моҳир педагог бўлиш билан бирга уста ташкилотчилардан ҳам эди. Унинг фаолиятидаги бу сифатлар туман ва вилоят комсомол ташкилотларида масъул вазифалардаги, Бухоро вилоят партия қўмитаси секретари, Узбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси тарғибот ва ташвиқот бўлими мудири лавозимларидаги фаолиятида яққол намоён бўлди.

Олий партия мактабининг дипломатия бўлимини битирган А. М. Қучқоров Узбекистон Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, Узбекистон ташқи ишлар вазири, чет мамлакатларда элчи, Узбекистон маданият, маориф вазири лавозимларида ишлади. У 1980 йилдан ҳозирга қадар Узбекистон Ташқи ишлар вазирлигида бош маслаҳатчи эди.

Анвар Марасулович қайси лавозимда ишламасин, уз ватанпарарлиги, юксак маданияти, педагог-халқаро тарихчи сифатидаги иши билан ҳамиша обрў-эътибор қозонди. Унинг меҳнатлари ҳукуматнинг муносиб мукофотлари — орден ва медаллар, фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган.

Маориф ва маданият ишининг моҳир ташкилотчиси, халқаро дипломатиянинг уста билимдонларидан бири, эл-юрт фидойиси Анвар Марасулович Қучқоровнинг хотираси қалбимизда доим сақланади.

БИР ГУРУҲ МАОРИФЧИ ЎРТОҚЛАРИ.

Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Узбекистон Республикасининг собиқ халқ таълими вазири
Анвар Марасулович ҚУЧҚОРОВ
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар ҳокими маҳкамасининг халқ таълими бош бошқармаси, шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти, фан ва халқ таълими ходимлари шаҳар касаба уюшмаси қўмитаси, туманлар халқ таълими бўлимлари, педагогик жамоалари Узбекистон Республикасининг собиқ халқ таълими вазири
Анвар Марасулович ҚУЧҚОРОВ
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

БОЛАЛАР ТЕРМА ҚЎШИҚЛАРИДАН НАМУНАЛАР

OLTIN MEROS

танловига

— Осмондаги ой,
Мирзакаримбой.
Нима қилопсиз?
— Олма теробмиз.
— Олмангиздан
Битта беринг.
— Бобом урушалла.
— Бобонгиз ўлсин!
— Худо сақласин!
— Дўмбира чалинг
Қизлар ўйнасин.

* * *

Бозор боргим келади,
Эчки олгим келади.
Эчкивойим пўчоқхўр,
Дадам қурғур ароқхўр.

* * *

Нор амаким ямоқчи,
Қизини бизга бермоқчи.
Биз ҳам уни олмоқчи.
Чўлоқ эшакка миндириб,
Уйга олиб кетмоқчи.

* * *

Тегирмоно-тегирмон
Гисвараги темирдан.
Ўқимаган одамнинг
Нонин сичқон кемирган.

* * *

Сомонхона пас экан,
Ичи тўла хас экан.
Раис бовам кўрсангиз
Дадамдан ҳам паст экан.

* * *

Шафтолининг шохи
синаман, — дейди.
Менинг акам армияга
кетаман, дейди.
Олдига йиғлаб чиқсам
Йиғлама дейди.
Жоним омон бўлса,
келаман, дейди.

* * *

Мен бораман Бомбайга,
Иш топилса мендайга.
Топилмаса қайтаман,
Сизга салом айтаман.

* * *

Қўлимда дафтар,
Осмонда каптар.
Шу замоннинг қизлари
Сочини қирқар.

* * *

Ялла қўтир,
Томга ўтир.
қатиқ берай
оч ўтирма ялаб ўтир.

* * *

Шонача-шонача,
Биқинида кўзача.
Сув ташиди бир кеча
Онаси берди кулча,
Уни ҳам олиб еди
Мардон етимча.

* * *

Уй-уйликка
тепа тўйликка.
Бир хўрозим бор,
У ҳам бейликка.

Ёзиб олувчи: Баҳром МАҲМУДОВ,
Қашқадарё вилояти ХТХМОИ ходими.

ХАЛҚАРО МАВЗУДА СУҲБАТЛАР

Тошкент давлат педагогика институти маъмурияти, жамоатчилик ташкилотлари, институтнинг ижтимоий кафедралари жаҳондаги сиёсий воқеаларга катта эътибор бериб, талабалар билан шу масалаларда суҳбатлар, учрашувлар ўтказиб келмоқда.

Яқинда тарих факультетининг «Жаҳон халқлари тарихи «кафедраси профессор-ўқитувчилари «Халқаро муносабатлар» мавзусида талабалар билан суҳбат ўтказдилар. Унда Осиё минтақасидаги ва Афғонистондаги воқеалар, Марказий Осиё мамлакатларида тинчлик учун ҳаракатлар ҳақида институт ўқитувчилари, илғор талабалар ўзаро фикр алмашишди.

Э. ЭСИРГАДИЕВ.

Қадриятларимиз

ЎТОВДАН ТАРАЛГАН НАВОЛАР

Американинг саккизта штатида ўз концерт дастурларини намойиш қилиб келган, Марказий Осиёнинг бахши шоир ва оқинлари кўрик-танловида мутлақ ғолиби деб топилган кишининг муаллим эканлигини биласизми?

Мени тоғли Деҳқонобод туманига дарвиш қалбимдаги қушалоқ-қушалоқ орзуларим етаклаб келди. Мен бу узоқ юртга ўзбегимнинг танти ва тўпори, узига бек уруғи — қунғиротликларнинг урф-одатларини, уларнинг ўтмишию бугунини, уланию бахшисини ургангани келдим...

Деҳқонободда қадим-қадим қунғирот боболару момолардан мерос қолган ажиб бир ўтовда, Бобур номли ўрта мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти муаллими, истеъдодли талант соҳиби Қаҳҳор бахши Қодир бахши ўғли билан гурунг қилдим...

«Меҳмонжон-ов, мен қўлима дўмбирамни ушлайин, сизга атаб битта терма бошлайин», — дея Қаҳҳор домла қўлига ота мерос муқаддас созини олди...

Рости, мен ҳанузгача дўмбира деб аталувчи миллий чолғу асбобимизнинг сеҳрли оламига меҳмон бўлмаган эканман. Мен ўзимча «менсимай» юрган бу чолғу асбоби тилсимини биладиган устаси қўлига тушса, ўз тингловчисини суюнтира олиши ҳам, куйинтира олиши ҳам мумкин экан...

Менинг фикри ожизимча, думбиранинг дилбар сасига, бахшининг карвон қунғироғидек беқиёс хонишига одатий концерт саройлари жуда-жуда торлик қиларкан. Назаримда танидан дўмбира ўйиб олинган дарахт кенглиқда ўсган, унинг соҳиби бўлмиш бахши йигит эса юксакликда таваллуд топган. Ҳа, буларнинг ҳар иккаласи — думбира ҳам, бахши ҳам кенглик ва бепоёнлик тимсолидир. Менга қолса буларнинг ҳар иккаласини ҳам эшитмоқ, ундан завқ эммоқ учун кенг далалар, юксак ва мағрур қоялар ва яна ҳайратланарли, бир ажиб Қунғирот ўтовлари керак...

Қаҳҳор бахши дилдан ёниб-ёниб айтди. У куйлади, мен уйладим... У кўзларида ёш ила айтган «Ўтов қушиғи»ни тинглар эканман, хаёлларим беихтиёр узоқ-узоқ ўтмишларга бориб тақалди... Кўз ўнгимда, ўтовдаги уч кунлик чақалоқ Қаҳҳорнинг қулоқлари узра ана шу муқаддас думбирани чертиб: «...Эй худо! Фарзандим ҳам мендай бахши бўлиб юрсин элида...» — дея илтижо қилаётган раҳматли Қодир бахши намоён бўлди...

Қаҳҳор бахши «Ўтов қушиғи»ни падари бузруквори, устози марҳум Қодир бахши битган сатрлардан тортиб, ўзи давом қилганларигача ҳаммасини қуйлади. Мен унсиз хаёллар сурганча, Қунғирот ўтови ҳақида ўйладим...

Ўтов. Қунғирот ўтови. Бу кўп ҳолларда «қора уй», баъзан «юрт», баъзан «Ватан» ҳам деб аталади. Қунғиротлар азал-азалдан чорвачилик билан машғул бўлиб келишганлиги, ҳали у яйловда, ҳали бу яйловда макон қуриб яшаганликлари учун ҳам кўчманчи чорвадорларга кўчма уй-ўтов ўта қўл келган.

Орадан қанчадан-қанча замонлар ўтиб, бугунги кунимизга келиб ростакамига ўтроқлашиб кетишган бўлсалар-да, ҳозир ҳам деҳқонободлик қунғиротлар замонавий, ҳашаматли уйларининг қатида қадимий услубда безатилган битта ўтов қуриб қўйишади. Бу нима, ўтмишни эслашми? Ёки боболару момоларнинг муқаддас руҳларини ёд олиб туришми? Балки, бунда ана шу мақсадлар ҳам бордир. Бироқ, менга айтишларича, бу Ватан ҳисси эмиш. Уйлаб қурилганда ҳам бу фикрда жон бор. Ахир, қунғиротлар ўтовни Ватан деб ҳам аташади-ку. Ҳа, шундай. Ватан — муқаддас Узбекистон бу юртда мана шу ўтовлардан бошланади, деб айтишсалар мен ишонаман.

Билмадим, сиз балки ўтовни кўрмагандирсиз. Мабодо кўрган бўлсангиз ҳам ҳақиқий Қунғирот ўтовини кўрмагансиз. Мен ҳаммасини, ҳатто келинкуёв ўтовини ҳам кўрдим. Ўта ораста ва миллий нақшлар туширилган кигизлару «ғажари» жулхурслар, геометрик қоидаларга тўлиқ амал қилинган ҳолда нафис ишлов берилиб «қора тол» шохларидан ясалган ўтов «қобиргаси», қамишдан санъат асари даражасида тўқилган «чий»лар, дарпардалару ўтов ҳавосини алмаштириб турувчи қуббали туйниклар, қунғирот чечаларнинг такрорланмас ноёб санъати билан бунёд этилган турли-туман тақинчоқлару зебзийнат буюмлари, ҳар қандай ажнабийни бир кўришдаёқ ўзига ром қиладиган уй-рўзғор ҳалтачалари, жамалагу пўпаклар, «кўз-кўз» учун намойиш этилган қунғирот келинчагининг беқиёс гўзал сепи... нимасини айтасиз, бу ўтовда гўзал бўлмаган нарсанинг ўзи йўқ...

Эҳ, ижодкор ва кашфиётчи қунғиротим! Сен нега яратганларинг ҳақида асрлар оша «миқ» этмай келасан? Мақтанмайсан ҳам, бу ҳақда гапирмайсан ҳам. Ахир, оврўпача «кўчма палаталли уй»ни ҳамма жойда мақташади-ку?

Қаҳҳор бахшининг жонажон Узбекистонимиз ҳақида биттан уйноқи термалари хаёлимни ўтов уйдан ўзига тортиб олди: «...қирларинг қиз қилиқли, лола гулга тўлиқли. Оқ бўғдой хирмонларинг бай-бай бунча булиқли...»

Қаҳҳорда ўз юртига нисбатан меҳр-муҳаббат ҳисса ўта кучли. У ўзининг узбеклигидан ва яна Қунғирот уруғига мансублигидан фахрланади: «...Қунғиротим туғма ботирим, ҳар жигити мингта татирим, юз минг уйли, ўнг минг қўйли Гудрайбийдан қолган хотирим...»

Мен Қаҳҳор бахшидан ўзимни қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб ололдим. У ростакамига фидойи муаллим, моҳир созанда ва хушовоз хонанда, Қунғирот тарихини анчагина мукаммал биладиган билимдон йигит экан. У отаси Қодир бахшидан сабоқ олиб, у қолдириб кетган ҳаёт ва ижод китобини ўқиб-ўрганиб, элу юртда катта обру топди. Қаҳҳор бахши яқин ўн йиллар ичида бахши шоир ва оқинлар орасида ўтказилган қатор кўрик-танловларда совриндор ўринларнинг соҳиби бўлиб келаётир. У 1992 йилда Америка Қўшма Штатларининг саккизта штатида ўз концерт дастурларини намойиш қилиб қайтди. Жорий йилимизда Ватанимиз маркази Тошкентда ўтказилган Марказий Осиёнинг бахши шоир ва оқинлари кўрик-танловида Қаҳҳор бахши мутлақ ғолиб деб топилди. У ўз устида тинимсиз ишлайди, изланади, ижод қилади. Айни кунда унинг репертуарида ўттиздан ошиқ достон, юздан ошиқ замонавий термалар мавжуд. Унинг ўзи яратган 7 та достони ва 50 дан ошиқ термаларини эл севиб тингламоқда. Қаҳҳор бахши дўмбира созининг етук ижрочиси, у думбирада 30 дан ошиқ нағма яратган. Қаҳҳор бахши ҳозир қирчиллама 40 ёш устида турибди. Унинг белида куч, дилида эзгу ният кўп. У профессор Малик Муродов билан ҳамкорликда отаси, марҳум Қодир бахши ижодини китоб сифатида тайёрлаяпти. У ўзининг бахшичилик мактабига ўқаларини, фарзандларини ва севимли ўқувчиларини олиб кираётир...

Ҳар бир ишнинг ўз ниҳояси бўлганисимон, менинг ҳам сафарим қариди. «Йўлларинг ўтга тўлсин ўтовли элим, инсонларинг бахтли бўлсин, бахшили элим», — дея Деҳқонободдан ортга қайтдим. Мана орадан анча-мунча кунлар ҳам ўтдию бироқ қулоқларим остидан ўтовдан таралган наволар кетгани йўқ. Менимча, бу дилбар наволар мени Деҳқонободга қайта-қайта олиб борадиганга ўхшайди.

Абдували ОБИДДИНОВ,
«Маърифат»нинг махсус мухбири.

Қутлов

МУАЛЛИМА МЕҲРИ

Тасодифан икки кишининг баҳсига гувоҳ бўлдим. Улардан бири «мактабда муаллимнинг қаттиққўллиги зарур» деса, бириси «муаллима меҳрининг афзаллиги» хусусида фикр айтарди. Хаёлимга ушбу мақоланинг қаҳрамони келди — ўзимча юқоридаги мунозарага жавоб топгандай бўлдим...

Биламизки, аёл аввало она, у оиланинг таянчи, кўрар кўзи. Боз устига, унинг нозик елкаларида ҳаётнинг залворли юклари турган бўлади. Гарчанд шундай бўлса-да, аёлнинг тўфону буронларда эгилмайдиган иродаси, гард юқмайдиган, ҳира тортмайдиган ажойиб қалби бўлади. Бу қалб эса энг аввало меҳр сувлари билан лиммо-лиммдир.

Иқтидорли муаллима, халқ маорифи аълочиси, пойтахтнинг Сирғали туманидаги 304-ўрта мактаб директори Лола Сайфуддинованинг ҳам асосий фазилатлари — у кишининг меҳрибонлигида бўлса, ажабмас. Лола опанинг муаллималик фаолияти пойтахтнинг 121-болалар боғчасида, сўнг 154, 214-мактабларида кечган. Маълум муддат ТШХТББнинг назоратчиси бўлиб ишлаган. Мана, 10 йилдан зиёд вақт ўтибдики, 304-мактабга раҳбарлик қилмоқда.

Оилада тўрт нафар фарзандга қалб меҳрини бериб тарбиялаган ва уларни халқ хизматига йўллаган Лола опа мактабдан, юз-юзлаб ўқувчиларидан ҳам меҳрини аямайди. Жамоадаги ўқитувчилардан ҳам болаларга, энг аввало, меҳрли бўлмоқни талаб этади. Оқибатда болаларнинг барчаси ҳам мактабга орзиқиб келишади ва аъло ўқишга тиришадилар.

Дарвоқе, ажойиб муаллима Лола опа Сайфуддинова яқинда ўзининг 50 ёшини қаршилади. Биз Лола опанинг ҳамкасблари, мактаб жамоасининг сўзларидан бир истакни тўйдик: болаларга меҳрингиз ҳамиша зиёда бўлсин, муаллима опа!

И. БЎРИБОЕВ.

Қарор ва ижро

ФУТБОЛ ЮЛДУЗЛАРИ УЧУН СТАРТ МАЙДОНЧАСИ

Футболга қизиқмайдиган инсон бўлмаса керак. Чунки футбол спортнинг энг ҳаракатчан, энг қизиқарли оммавий турларидан биридир. У саломатликни мустаҳкамлашда, шижоаткорлик ва иродани таркиб топтиришда беқиёс аҳамиятга эга.

Жорий йилнинг 17 январида республикамиз ҳукумати томонидан «Узбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принципларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорнинг қабул қилиниши ҳам бежиз эмас, албатта. Ушбу қарорда «1996-1997 йилларда вилоят марказларида ўсмирлар футбол мактаб-интернатлари очсинлар» деган сатрлар ҳам бор. Бу вазифа барча вилоятларда изчил амалга оширилаётир.

Яқинда Нукус шаҳрида Қорақалпоғистон Республикаси футбол бўйича умумий таълим мактаб-интернати очилди. Мазкур масканда футбол ишқибозлари учун барча шароит яратилган. Мактаб-интернатда Қорақалпоғистон шаҳар ва туманларидаги мактабларнинг 10 ва 11-синфларида ўқиётган ўқувчилар орасидан танлаб олинган 67 нафар илм толиби таълим-тарбия олаётир. Ўқувчилар махсус футбол кийимлари, шинам ётоқхона билан таъминланди. Уларга тўрт маҳал иссиқ овқат берилаётир. Билим даргоҳи келгуси йилларда қуйи синфларга ўқувчилар қабул қилишни режалаштирган. Ишончимиз комилки, яқин йилларда шундай мактаб-интернатлар ўз самарасини бериб, футбол юлдузларининг парвози учун старт майдончаси бўлиб қолади.

Ғойиб ЁҚУБОВ,
ўз мухбиримиз.

Спорт (жумладан, футбол) саломатлик гарови дейишади. Чандон-чандон ҳақ ган. Эътирозимиз йўқ. Лекин унинг яна бир антиқа хусусиятини қулоғингизга шипшитиб қўяйлик.

Футбол (спорт) — даракчи. Юрт номини, шаън-шавкатини дунёга таратади. Шу боис, мамлакатимизда футболга эътибор катта. «От изини той босади». Ўзбекистон чемпионати 1-лигасида тўп сураётган «Чилонзорчи» жамоасида футбол тўгараги ташкил этилган. Унда тарбияланаётган турли ёшдаги ўқувчилар, аввало, «Чилонзорчи»ни, демакки ўзбек футболи ҳақида дунёга дарак беришади.

СУРАТЛАРДА: бўлажак даракчилар машғулот устида.

Р. АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

Футбол

ҒАЛАБА НАШИДАСИ УЙИНГДА ТОТЛИ

буни эса вақт кўрсатади

Футбол кимларни ўз сеҳрига маҳлиё этмайди дейсиз. Футболнинг сеҳру жодуси шунчалик кучлики, унинг чангалига қандай тушиб қолганингизни ҳатто ўзингиз ҳам билмай қоласиз. Бундай одамларни футбол фанатлари дейишади. Бизда ҳам шундай футбол фанатлари (худди англияникидек) топилади. Чемпионатимизнинг 28-турида ҳал қилувчи МҲСК — «Навбаҳор» уйини муросасиз бўлиб ўтиши олдиндан кутилган бўлсада, бироқ бу учрашув айтиш мумкинки, юқоридаги фикримизнинг тескариси бўлди. Яъни учрашув зерикарли бир тарзда бўлиб ўтди.

Энди беихтиёр ўйин тафсилотига тўхталсак. Биринчи бўлимда ташаббус гоҳ у командада, гоҳ бу командада бўлди. «Навбаҳор» командасида олдинги ҳужумкорлик санъати унчалик кўринмади. Лекин шунга қарамай биринчи бўлимнинг ўрталарида ҳисобни «Навбаҳор» жамоаси очди. Тўғриси, уларга омад кулиб боқди. Наманганликларнинг жарима майдончасидан тепган тўпи МҲСКнинг ўйинчиси Даврон Файзиевнинг бошига тегиб, тасодифан дарвоза турига бориб тушди. Бу хато МҲСК га жуда қимматга тушди. Иккинчи бўлим ҳам наманганликларнинг ҳужуми билан бошланди. Ўйиннинг 20-дақиқаларидан сўнг «Навбаҳор»нинг умидли ёш ҳужумчиси 10-рақамли Зафар Мусабоев ҳисобни 2:0 га етказди. Бу вақтинчалик мағлубият армиячиларни эсанкиратиб қўймади. Ўйин давомида жуда яхши ҳаракат қилган МҲСКнинг диспетчерлик вазифасини бажарган Нўъмон Ҳасановнинг кучли зарб билан тепган тўпи дарвоза турига бориб тушди. Бу ҳолат иккинчи бўлимнинг 30-дақиқасида рўй берди. Шундан сўнг армиячиларда жонланиш рўй берди. Аста-секин улар ташаббусни қўлга ола бошлашди. Бу ҳаракат — интилиш ўз натижасини берди. Учрашув тугашига 5 дақиқа қолганда МҲСК ҳужумчиси Мухтор Қурбонов ҳисобни тенглаштирди — 2:2. Бу учрашув «Навбаҳор»ни, албатта, қаноатлантиради. Наманганликлар шу ўйинни ғалаба билан якунлаб, шубҳасиз чемпион бўлишлари мумкин эди. Буни уддалай олишмади. Улар навбатдаги турда ўз майдонида Янгиернинг «Янгиер» жамоасини қабул қилишади. Бу учрашувда наманганликлар ғалаба қозониб, чемпионлик нашидасини ўз майдонида ўтказишни режалаштираётган бўлса ажаб эмас.

Хайрулла ЖУМАЕВ.

Олий табақа

27-ТУР, 12 октябрь

«Сўғдиёна» — «Динамо» (С) — 1:1 (Зиганшин — Нарзуллаев), «Навбаҳор» — «Машъал» — 5:0 (Мусабоев — 2, Шацких, Мадраҳимов — 2), «Дўстлик» — «Атласчи» — 4:3 (Ирисметов — 3, Аҳмедов — Алиев — 3), АСК — «Трактор» — 1:1 (Халиулин — Ўрмонов).

27-ТУРДАН КЕЙИНГИ ВАЗИЯТ

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. «Навбаҳор»	27	22	3	2	80—19	69
2. «Нефтчи»	27	20	3	4	61—29	63
3. МҲСК	27	16	7	4	69—33	55
4.«Дўстлик»	27	15	4	8	46-33	49
5. «Нурафшон»	27	14	5	8	50—30	47
6. «Пахтакор»	27	14	3	10	46—27	45
7. «Атласчи»	27	11	3	13	44—53	36
8.«Трактор»	27	10	6	11	42—41	36
9. «Наврўз»	27	8	8	11	37—47	32
10. «Динамо» (С)	27	10	1	16	33—41	31
11. «Сўғдиёна»	27	9	4	14	38—50	31
12. «Янгиер»	27	9	3	15	41—49	30
13. «Косонсой»	27	8	3	16	28—57	27
14. «Машъал»	27	4	4	16	23—58	25
15. «Динамо» (У)	27	6	3	18	25—59	21
16. АСК	27	4	6	17	24—61	18

Хулгас...

ОНАНИНГ ОРЗУСИ...

УЧ ЯШАР АЛОМАТ ФАРЗАНД

аниқроғи аломат қизалоқ. Деҳли шаҳрида яшовчи бу митти — Гургаона Сварналакшминининг бошқа болаларга хос бўлмаган лаёқати бор экан. У дунёнинг 200 та давлати пойтахтлари номини бехато айтиб бера олади. Айрим пойтахтларнинг талаффузи қийин бўлишига қарамай уч ҳафтада шунча номни ёд олди.

Онасининг орзуси эса қизининг номини Гиннеснинг рекордлар китобида кўриш. «The Hindu» газетасининг ёзишича, қизалоқ шахмат ҳам ўйнар экан. Ота-онаси унга шахмат ҳадя этишгач, бу тарихий ўйинга шўнғиб кетди. Қизгина ҳинди ва тамили тилида сўзлашар, инглиз тилини эса тушунар экан.

БИОЛОГИЯ ЎҚИТУВЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Дарсингизда лимон ҳақида болаларга маълумот бергансиз. Биламиз, мевасининг ҳажми ва оғирлиги ҳақида ҳам гапиргансиз. Балки Гиннеснинг рекордлар китобига киритилган энг оғир лимоннинг вазни 385 грамм эканлигини ҳам айтгандирсиз. Унда сизга қўшимча хабар: вильнюслик Дана ва Юзеф Лобачилар лимон ўстиришди. Бир лимонки, ҳар бир дона ҳосилининг вазни нақд 700 грамм чиқди. Яна қаерда денг? Шаҳардаги квартирада — гултувакда! Дана ва Юзефларнинг айтишича, ўтган йилги бир лимоннинг вазни 900 грамм чиққан экан. Фақат улар бу рекордни рўйхатдан ўтказиш ҳақида ўйламай, мазза қилиб ейишган экан ўшанда.

РУСИЯНИНГ ЙИЛ ЎҚИТУВЧИСИ

Унинг номи Екатерина Филиппова, француз тилидан дарс беради. У Москвада бегона синфхонада дарс ўтиб барчани ўзига ром этди. Кейин аниқланишича, Рязань шаҳридаги ўз мактаби, аниқроғи, ўзи дарс берадиган синфларда ўқийдиган барча ўқувчиларни ҳам ром қилиб булган экан.

Йил ўқитувчиси бўлиб, биринчи бор ўз мактабига борганда Екатерина ҳамкасблари, ўқувчилари, гуллар... оғушида қолди. Муаллим учун бундан яхши мукофот борми?

КОСМОНАВТ ҚОВУНДЕК НАРСАНИ КЎРГАН ЭКАН

Оттава шаҳрида ўтказилган космонавтлар ассоциацияси конгрессида НУЖлар ҳақида сўз борди. Владимир Ковалюк 1981 йили космосда бўлган чоғида қовунсимон учувчи жисмни кўрган. Унинг олд қисмида соябонга ўхшаш мосламаси ҳам бўлган. «Афсуски, — дейди фазогир, — биз фотоаппаратимизни мослагунимизча, бу жисм кичрайди. Сўнг боши ва охирида икки портлаш юз берди. Кейин футбол тўпидек икки оқ булут шари, уларни улаб турган эгик ёй пайдо бўлди». Ҳа, дунёнинг сирсиноатлари жуда кўп...

ана шунақа гаплар.

Ма'рифат

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ҳалим САИДОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Дилбар ХУЖАЕВА, Алишер НАЗАРОВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0582.Тиражи 32041. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди—20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.